

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСТАНОВА ГУЛНОРА АМИНОВНА**

**“МИНГ БИР КЕЧА” ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**  
**(ПОЭТИК, ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛ)”**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)  
филологических наук**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc) on  
philological sciences**

**Астанова Гулнора Аминовна**

“Минг бир кеча” ва ўзбек адабиёти (поэтик, қиёсий-типологик  
таҳлил) ..... 3

**Астанова Гулнора Аминовна**

“Тысяча и одна ночь” и узбекская литература (поэтический, сравнительно-  
типологический анализ) ..... 31

**Astanova Gulnora Aminovna**

“A Thousand and one nights” and uzбек literature (poetic-comparative  
typological analysis) ..... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 65

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСТАНОВА ГУЛНОРА АМИНОВНА**

**“МИНГ БИР КЕЧА” ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ**  
**(ПОЭТИК, ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛ)”**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Fil238 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Мухиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Тўраев Дамин  
филология фанлари доктори, профессор

Салимаҳон Алийбек қизи Рустамий  
филология фанлари доктори

Айнур Ўз Ўзжан  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** ЎзР ФА Ўзбек тили ва адабиёти, фольклори институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» окт. соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92; факс: +99366 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92).

Диссертация автореферати 2021 йил «  » \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2021 йил «29» 09 даги 73 рақамли реестр баённомаси).



У. Жамолов, Ж. Ҳамроев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, филология фанлари  
доктори, профессор

Х.А. Асламова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Ш.А. Ҳасанов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда маданиятлараро муносабатлар такомиллашуви ва инсонлар маънавий дунёқарашини юксалтиришда бадий адабиётларнинг конструктив аҳамияти ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бормоқда. Айниқса, Шарқ адабиётида ёрқин из қолдирган етук асарларнинг адабий-поэтик хусусиятлари, услуб категорияларини илғор усуллар асосида аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, бугунги глобаллашув жараёнида ўрта аср Шарқ маданияти ва адабий меросининг жаҳон цивилизацияси таракқиётидаги ўрни, дунё халқлари маданияти ва адабиётига ўзаро таъсири инсоният маданиятини юксалтириш ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу маънода, Шарқ адабиётининг мумтоз асарлари жаҳон бадий тафаккури ривожига билан поэтик, қиёсий-типологик аспектда янги услуб ва ёндашувлар асосида уйғунлаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Жаҳон илм-фанида инсоният тамаддунига таъсир кўрсатган Шарқ мумтоз адабиётининг нодир дурдонаси ҳисобланган “Минг бир кеча” асари устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, асарнинг поэтик хусусиятлари, ҳикоятларнинг диахрон ва синхрон (параллел) ҳолати ҳамда уларнинг эртақлардаги кўринишларини аниқлаш, интертекстуал мақсад ва сабаблар, турли халқлар ҳикоятлари фонида қиёсий-типологик тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга “Минг бир кеча” асарининг шахс бадий эстетик тафаккурининг ривожланишига омил бўладиган ҳикоятлари таъсирида яратилган миллий бадиият намуналарини услуб ва шакл тасвирида синтезлашув ҳодисасини ва асар спецификаси, турли характерли қахрамонлар образини яратишдаги поэтик маҳоратни санъат ҳодисаси сифатида илмий-эстетик таҳлил қилиш ҳамда ҳикоятлар генезисининг типологик таснифини янги ёндашувлар асосида монографик планда таҳлил қилиш тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори адабиётшуносликни ривожланишига таъсир қилган миллий адабиётимиз намояндаларининг диний, маънавий, бадий асарларини ўрганиш баробарида улардаги Шарқ мумтоз адабиёти поэтик тажрибаларидан ижодий фойдаланиш йўсинларини холис ўрганиш борасида ҳам янги ёндашувлар жорий этилмоқда. “...Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор экани, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”<sup>1</sup>. Шу боис, ўзига хос анъанага эга бўлган Шарқ мумтоз адабиёти услублари асосида дунё юзини кўрган бадий асарларни адабиётшунослик нуқтаи назаридан поэтик, қиёсий-типологик таҳлилинини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ – 5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ – 2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Шарҳ халқлари оғзаки ижоди аъёнларининг жаҳон халқлари маданиятига таъсири ҳамда интертекстуал алоқалари хусусияти бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Oxford, Cambridge University (Буюк Британия), Grasefield University, Universitat Trier (Германия), University of Verona (Италия), University of Pennsylvania, University of New York, Indiana University, University of California, Columbia University in the City of New York (АҚШ), University of Toronto (Канада), Austral University (Аргентина), Karadeniz Teknik Üniversitesi (КТЎ) (Туркия), Санкт-Петербург Шарқшунослик институти, Тюмень давлат университети, Олтой давлат университети, Чуваш давлат университети, Россия Шарқшунослик институти академияси, Бошқирдистон давлат университети, Тамбов давлат университети, Урал давлат педагогика университети, Қозон федерал университети (Татаристон Республикаси, Россия), Доғистон давлат педагогика университети (Доғистон), Хўжанд давлат университети (Тожикистон), Тошкент давлат шарқшунослик университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида миллий адабиётларнинг шаклланиши ва ривожланишида Шарҳ аъёнларининг бадиий синтези тамойиллари, миллий

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://litva.info.Book.page> –75, <https://bulletin-history.kaznu>; <https://scribble.su/school-literature>; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, <http://www.ivran.ru/http://elm/az/http://elm/az/>, <https://www.google.com/>, <http://www.orientalstudies.ru>, <http://az.lib.ru/> <https://ru.qaz.wiki/wik>, <https://facetia.ru/node/> <https://librebook.me/> <https://ru.wikipedia.org/wiki/> [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz); Edward Allworth. Uzbek literary politics. – London – Paris, 1964. – P. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk tili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – B. 501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B. 209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

адабиёт тарихи, адабий турлар ва жанрлар эволюцияси муаммолари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: хусусан, жаҳон адабиёти гултожиси бўлмиш “Минг бир кеча” асарининг Европага тарқалишида ўз ҳиссасини қўшган таржимонлар фаолияти услубий - қиёсий аспектда ўрганилган (Англия, Россия ФА Шарқшунослик институти); асарининг Британия маданиятига таъсири илмий - назарий асосланган (АҚШ); асар ҳикоятларидаги исломий матнлар тафаккур ривожини омили сифатида баҳоланиб, илмий мулоҳазалар ишлаб чиқилган (АҚШ); асарнинг икки асл нусхасидаги айрим ҳикоятлар фарқи, сабаб - моҳияти адабий-қиёсий услубда ишлаб чиқилган (АҚШ); асар қиссаларининг XX аср фантастикаси билан уйғунлашуви қиёсий далиллар орқали асосланган (Аргентина); “Минг бир кеча” асарида ҳикоят санъати маҳорати ишлаб чиқилган (Германия, Туркия); Яқин Шарқ эпик аъёнларининг Доғистон эртақларига таъсири далилланган (Доғистон давлат университети); асарнинг яратилиш тарихи илмий асосланган (Қозон Давлат университети, Хўжанд Давлат университети); асар таркибий қисмларининг семантикаси илмий - назарий услубда ишлаб чиқилган (Бошқирдистон); асарнинг татар тилидаги таржималари аҳамиятининг татар адабий жараёнидаги таъсири аниқланган (Тамбов); айрим рус романларида ҳикоятларнинг интертекстуал алоқалари асарлар бадииятига ижобий таъсири далилланган (Олтой давлат университети); “Минг бир кеча” асарининг Шарқ менталитети манбаи сифатида чуваш халқ бадиий ижодига таъсири масаласи ишлаб чиқилган (Чуваш давлат университети); асарнинг Европа таржимонлари маҳорат даражаси қиёсий мезонда далилланган (Россия ФА Шарқшунослик институти); “Бир юз бир кеча” асарининг “Минг бир кеча” асари замирида яратилгани илмий - назарий асосланган (Ўзбекистон, ТошДШУ).

Дунё адабиётшунослигида “Минг бир кеча” асарининг генезиси, омиллари, бу борада олимлар фаразларини янгича ёндашувлар асосида тадқиқ этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: асарнинг Ғарб ва Шарққа тарқалиш тарихи, дунё халқлари тилларига қилинган таржималари ва унинг тарқалишига катта ҳисса қўшган таржимонлар маҳорати, асар ҳикоятларининг диахрон ва синхрон (параллел) ҳолати ҳамда уларнинг ҳикоятлардаги кўринишларини аниқлаш; интертекстуал мақсад ва сабаблар; ҳикоятлар тилини лингвокультурологик, лингвопрагматик, когнитив аспектда тадқиқ этиш; турли халқлар ҳикоятлари фонида қиёсий-типологик ўрганиш; асарга оид маълумотлар базасини янги фактик материаллар билан бойитишда инновацион воситалардан фойдаланиш, айниқса, компьютер технологияларига асосланган замонавий дастурларидан фойдаланиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида “Минг бир кеча” асарини назарий ва амалий ўрганиш ишлари дастлаб IX-X асрларда араб олимлари томонидан бошланган бўлса, Европада XII асрда кўрина бошланган эди. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб Европада мазкур асарга оид тадқиқотлар авж олди. Бадиий обиданинг яратилиши ҳамда дунёга тарқалиш тарихи муаммолари ҳақида европалик олимлар

И.Эструп, Й.Хаммер-Пургшталь, Р.Бёртон А. Шлегель<sup>3</sup>, М.Я. де Гье<sup>4</sup>, А.Мюллер<sup>5</sup>лар томонидан илмий-назарий асосланди. Европаликлар бу асарнинг анча мукамал таржималарини XVI асрда яратган бўлсалар, XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб Шарқда хитой, япон тилларига ҳамда иброний тилига ҳам таржима қилинди<sup>6</sup>. Немис олими М.Герхардт<sup>7</sup> “Минг бир кеча” асарининг Европа тилларига таржималарини танқидий кўздан кечириб, бадиий қиймат ва савиясини аниқлайди. Бундан ташқари араб адабиётшуноси Эҳсон Аббос, эрон адабиётшуноси Муҳаммад Рамазоний ва бошқаларнинг тадқиқотларини ҳам қайд этиш зарур<sup>8</sup>.

Шулар қаторида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) адабиётшунослигида асар тадқиқотига бағишланган махсус илмий ишлар, монографиялар, асарнинг алоҳида таржималари сўз бошисида келтирилган фикр-мулоҳазалар, илмий анжуманларда қилинган маърузалар ва илмий тўплам ҳамда журналларда келтирилган мақолаларнинг аксариятида асарнинг шаклланиши, бу жараёнда муҳим роль ўйнаган ички ва ташқи омиллар, чунончи, ҳинд-эрон ҳикоятчилиги услубияти, араб халқ оғзаки ижодига “Ҳезор афсоне” ва “Калила ва Димна”<sup>9</sup> ёки шу каби асарларнинг таъсири, араб оғзаки адабиётининг ёзма адабиётга ўтиши каби хусусиятлар таъкидланади ва фикрлар билдирилади. Шулар қаторида рус шарқшунос олимларидан Ю.Крачковский<sup>10</sup>, И.Фильштинский<sup>11</sup>, Б.Шидфар<sup>12</sup>, А.Е. Крымский, В.В. Лебедев, Х. Миннегулов, Н.К. Жармагамбетовлар томонидан яратилган илмий тадқиқотларни мисол келтириш мумкин. Уларда “Минг бир кеча” асарининг келиб чиқиш тарихи, таржималари, сабаб ва моҳиятлари ўрганилган<sup>13</sup>.

<sup>3</sup> Schlegel A. Lettre a M. le baron Silvestre de Sacy. - JA. 1936, 1. - С. 575-580

<sup>4</sup> Крымский А.Е. Тысяча и одна ночь. Общий историко-литературный очерк. - М., 1905. - С. 23-24.

<sup>5</sup> Müller A. Zu den Märchen der 1001 Nacht. - Beiträge zur K. der indogermanischen Sprachen. Göttingen, 1988, 13, с. 222-224.

<sup>6</sup> “Минг бир кеча” асари Европанинг бир қатор тилларига, жумладан, француз, инглиз, немис, испан, италян, дания, рус тилларига таржима қилинди. Ҳаттоки, славянча ва боснияча таржималари ҳам дунё юзини кўрди. Шарқда хитой, япон тилларига ҳамда иброний тилига ҳам таржима қилинди. Шу жумладан, 1912–13 йилларда Ўзбекистонда ҳам форсийдан туркийга таржима қилинди. <https://ru.qaz.wiki/wik>.

<sup>7</sup> Герхардт М. Искусство повествования. - М.: 1984. - 455 с.

<sup>8</sup> Иҳсан Аббас. Тарих аль-адаб аль-арабий. - Ал-Қаҳира, 1960. - 480 с. (арабий); Муҳаммад Рамазоний. Ҳезору йек шаб. / Тадқиқ ва баҳси адабий ва тарихий. - Техрон, х. 1315. - 540 с. (форсий).

<sup>9</sup> Калила ва Димна. / С.Ғаниева тарж. - Т.: Истиклол, 1988. - 255 б.

<sup>10</sup> Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. - М.: Из-во. Акад. наук СССР. 1956. - С. 443–449.

<sup>11</sup> Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века: Араб. лит. VIII–IX вв. - М.: Наука, 1978. - 256 с.

<sup>12</sup> Шидфар Б.Я. От сказки к роману. // Народы Азии и Африки. - М.: 1975.

<sup>13</sup> “Минг бир кеча” асари устида қуйидаги олимлар иш олиб боришган: Ал Фахури Ханна. История арабской литературы. / Пер. с араб. А.А.Ковалева, Г.М. Габучана. - М.: Изд. Иност. Лит. 1956. Т.1. - С. 67.; Гаммер Пургшталь И. Об арабских сказках. - Ленинград, 1988; Герхардт М. Искусство повествования. - М.: 1984; Горстер А.К. Литературные истории “1001 ночи”. - М.: 1990; Жармагамбетов Н.К. Поэтическая трансформация сюжетов “1001 ночи” и “Калили и Димны” в Казахской литературы XIX нач. XX вв. - Алма-Ата, 1985; Крачковский И.Ю. Датский перевод “1001 ночи”. - М.; Л.: 1934; Крачковский И.Ю. Книга тысяча и одной ночи. - Ленинград, 1936; Крымский А.Е. “1001 ночь”, общий историко-литературный очерк. - М.: 1905; Лебедев В.В. Арабские народные сказки. - М.: 1989; Миннегулов Х. Татарская литература и Восточная классика. - Казань, 1993; . Таршун Махмуд. Миат лайала ва лайла. - Тунис, 1979. - 560 с. (араб тилида); Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века: Араб. лит. VIII–IX вв. - М.: Наука, 1978. - 256 с.; Фильштинский И.М. История арабской литературы X–XVII века. - М.: Наука, 1991; Фильштинский И.М. История арабской литературы V–X вв. - Москва: Наука, 1985. - 525 с.; Форук Хуршид. Адва’ ’ала-с-сийар аш-ша’биййа. - Қаҳира, 1964. (арабча); Шидфар Б.Я. От сказки к роману. // Народы Азии и Африки. - М.: 1975; Эструп И. Исследование о 1001 ночи и ее составе, возникновении и развитии. / Пер. с датского Т.



XX аср бошида Ўзбекистонда шарқ адабиётининг энг қадимги даврдан сўнгги ўрта асрларгача бўлган давр мобайнида яратилган барча қадим адабий ёдгорликлар ўрганила бошланди. XX аср охирларига келиб, ўрта аср шарқ адабиёти ўзбек шарқшунос олимлари эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб этди. Бу ўринда, энг аввало, шарқшунослар Н.Иброҳимов, Т.Мухторов, Ш.Шомусаров<sup>14</sup> сингари ўзбек олимлари илмий ишларининг аҳамиятини қайд этиш лозим. Уларда ўрта аср адабиётининг эстетик қиммати, услуб категориясининг тақаллуф, ғайриадабий функционаллик, орнаменталлик билан тақозо этилгани, фольклор билан “қўшимча” муносабатларга эга эканлиги муҳим аҳамият касб этиши доимий равишда таъкидланади.

Бироқ мазкур тадқиқотларда “Минг бир кеча” асарининг поэтик хусусиятлари ва бадиий талқини (қаҳрамонлар характерида ватанпарварлик, тадбиркорлик, мардлик, жасорат ҳамда динида содиқлик каби хислатларни мужассам этган ҳикоятлардаги бош ғоя) борасидаги илмий қарашларни ҳамда асарнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти ва XX аср ўзбек адиблари ижодидаги бадиий синтези масалаларини комплекс тадқиқ этиш, шу билан бирга асарнинг Туркистон заминидagi таржималари ҳақидаги маълумотларни илмий муомалага киритиш, таржимонлар маҳоратини илмий тадқиқ этиш каби муаммоларни ҳал этиш кун тартибига махсус қўйилмаган. Шу боис, юқорида санаб ўтилган муаммолар тадқиқи долзарб масала эканлигини назарда тутиб, диссертация учун қўйилган мақсад ва вазифалар ҳам мазкур муаммолар ечимига қаратилди. Жараёнда юқорида қайд этилган “Минг бир кеча” асари ҳақидаги илмий тадқиқот ишлари ўрганилди, зарур ўринларда уларга муносабат билдирилди. Натижада, мазкур илмий изланишлар кўламининг кенглиги ушбу диссертациянинг назарий асосларини мустаҳкамлади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ВҒИ-5 рақамли “Ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** “Минг бир кеча” асарининг Ўзбекистонда ёйилиш тарихи, таржимонлар маҳорати, асарнинг ўзбек адабиёти (халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ҳамда XX аср адабиёти)га таъсири, асар спецификаси, ҳикоятларда қаҳрамонлар образи поэтикаси, хусусан, турли характерли аёллар образини яратишдаги поэтик маҳоратни санъат ҳодисаси сифатида илмий-эстетик тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Минг бир кеча” асарининг жаҳон бўйлаб, шу жумладан, Ўзбекистонда тарқалиш тарихини илмий ёритиш;

---

Ланге. – Л.: Изд.во.Лазаревск ин-том. вост. яз., 1904. – 204 с.; Эструп И. Исследование об истории "Т ысячи и одной ночи", ее происхождении и развитии. Перевод с датского Т. Ланге, под ред. и с предисл. проф. А. Е. Крымского. // Труды по востоковедению, издаваемые Лазаревским ин-том восточных языков", вып. VIII, М.: 1905 ва бошқалар.

<sup>14</sup> Иброҳимов Н. Ўрта аср араб халқ адабиёти. – Т.: Фан, 1994. – 243 б.; Ибрагимов Н. Арабский средневековый героический эпос. – Т.: Фан, 2000. – 248 б.; Мухтаров Т.А., Шамусаров Ш.Г., Саттиева Л.И. Очерки средневековой арабской прозы. – Т.: Фан, 1992. – 219 б.

асарнинг ўзбек халқ эртақларига таъсирини аниқлаш;  
асарнинг ўзбек мумтоз адабиётига таъсирини текшириш;  
асарнинг XX аср ўзбек адабиёти ёзувчилари ижодида сайқалланган ва адабий жараён ривожига хизмат қилган эстетик ҳодиса эканлигини асослаш;  
асарнинг XX аср таржимонлари маҳоратини комплекс тадқиқ этиш;  
“Минг бир кеча” асари бадииятини тадқиқ этишнинг ягона методик-типологик базасини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондининг 12392 ва 12393- инвентар рақамлари билан сақланаётган “Минг бир кеча” асарининг арабий тошбосма нусхаси, мазкур фонднинг 5254-инвентар рақамли форсий, шунингдек, фонднинг 77 ва 10551-инвентар рақамли туркий таржима нусхалари ҳамда XX аср 60-йилларда амалга оширилган ўзбекча таржима нусхалари танланган.

**Тадқиқот предметини** “Минг бир кеча” асарининг ўзбек адабиётидаги бадиий синтезини илмий методлар асосида таҳлил ва тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, тавсифий, герменевтик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Шарқ адабий анъаналари, хусусан “Минг бир кеча” асарининг ғоявий-бадиий мундарижаси, бадиий-эстетик асослари, тематик ранг-баранглиги ва оригиналликнинг миллий адабиётдаги бадиий синтези ижтимоий-тарихий, маънавий-маданий, индивидуал-руҳий омиллар таъсирида юзага келганлиги давр адабий мезонлари замирида асосланган;

“Минг бир кеча” асарининг бадиий структураси ва қаҳрамонлар образи поэтик хусусиятларининг ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ҳамда замонавий бадиий ижоддаги миграцияси миллий адабиётда тафаккур янгилашиши, ижтимоий-фалсафий, маънавий-эстетик қарашлар кўламининг кенгайиши натижаси сифатида ўзбек адабиёти намояндалари асарлари мисолида далилланган;

ҳикоятлардаги аёллар характерининг чексиз олами, дунёқараши, руҳияти, маънавий-ахлоқий муаммолар, ўрта аср Шарқда аёлларнинг ўрни, маърифий даражаси, аёлга муносабат ҳамда образларида тадбиркорлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик хусусиятларининг намоён бўлиши каби масалалар маънавият ва дунёқарашни кенгайтириш, жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида инсонпарварлик, аёл зотига ҳурмат ва эътибор ғояларининг кучайишида муҳим аҳамиятга молик бадиий эстетик ҳодисалиги аниқланган;

асардаги диний-ирфоний мазмундаги ҳикоятларда комил инсон ғояси билан суғорилган айрим аёллар образининг яратилиши давр тарихий, исломий-тасаввуфий мафкуранинг кучайиш жараёнига алоқадорлиги ҳамда бу жараёнда поэтик тафаккур янгилашишлари, фалсафий мушоҳаданинг теранлашувининг кучайганлиги ғоявий-бадиий қонуниятлар билан узвий боғлиқликда юзага келган жараён эканлиги исботланган;

“Минг бир кеча” мажмуаси таркибидаги айрим ҳикоятлар сюжетининг мазмун - моҳияти ижтимоий - тарихий ҳақиқатларга алоқадорлиги ва унда тарихий ҳақиқат билан халқнинг орзу - истаклари ҳаққоний ва романтик услублар уйғунлигида намоён бўлганлиги, тарихий фактлар асарнинг ўзига хос фабуласи, фантастикаси, услуби билан ҳамоҳанг бўлганлиги қиёсий-тарихий аспектда очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Минг бир кеча” асарининг бизгача етиб келган арабий, форсий, туркий қўлёзма ва литографик нусхалари аниқланган ҳамда миллий, маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти очиб берилган;

асарнинг ўзбек таржимонлари маҳорати масалаларини янги мезонларда баҳолаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

асарнинг ўзбек адабиётидаги бадиий синтезининг миллий адабиёт ривожланишидаги муҳим ўрнини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ҳикоятлардаги аёллар образида акс этган қаҳрамонлик, тadbиркорлик ҳамда диний - ирфоний хусусиятларнинг кўриниши ижтимоий амалиётда маънавий-ахлоқий дунёқарашни ижобий шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Республика ва халқаро илмий конференциялар тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялардаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шарқ адабиёти анъаналарининг миллий адабиёт, хусусан “Минг бир кеча” асарининг ўзбек адабиётига таъсири масаласига оид қарашлар, илмий муомалага киритилган ва нашр қилинган манбалар ҳақидаги назарий хулоса ва тавсиялардан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларни такомиллаштириш, адабиётшунослик йўналишини ривожлантириш, мавзуга оид тадқиқот ва монографиялар яратиш, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан “Жаҳон адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Халқ оғзаки ижоди”, “Мумтоз адабиёт тарихи”, “Маънавият асослари” каби ўқув фанлари бўйича олий таълим тизимида мўлжалланган инновацион дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, уларга оид дарс машғулотларини такомиллаштириш, шунингдек, адабий алоқалар, ўзбек адабий тилининг шаклланиш даврларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “«Минг бир кеча» ва ўзбек адабиёти (поэтик ва қиёсий-типологик таҳлил)” тадқиқоти бўйича олинган натижалар асосида:

Шарқ адабий анъаналари, хусусан “Минг бир кеча” асарининг миллий адабиётдаги бадий синтезининг юзага келишида ижтимоий-тарихий, маънавий-маданий, индивидуал-руҳий омиллар таъсирига доир илмий-назарий натижалардан 2007–2011 йилларда бажарилган ОФ–Ф8–027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий, маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги №8903–5490-сон маълумотномаси). Натижада, Республика қўлёзма фондларидаги “Минг бир кеча” асарининг арабий, форсий, XX аср бошларидаги туркий қўлёзма ва тошбосма манбалари миллий, маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти хусусидаги мулоҳазаларни далиллашга хизмат қилган;

“Минг бир кеча” асарининг арабий, форсий, XX аср бошларидаги туркий қўлёзма ва тошбосма манбалари қиёсий таҳлил этилган ҳамда ўзбек фольклори, мумтоз ва замонавий адабиёти, умуман, Шарқ ва Ғарб адабиётига кўрсатган самарали таъсири далилланган ушбу диссертация илмий хулосаларидан 2012–2016 йилларда бажарилган Ф–1–06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 8903–5490-сон маълумотномаси). Натижада, диссертацияда белгиланган вазифалар асосида Шарқ ва Ғарб адабий анъаналарининг тарихини ёритиш ва бардавомлигини асослашга хизмат қилган;

Шарқ адабиётининг дурдонаси бўлмиш “Минг бир кеча” асари қаҳрамонлари хулқ-атворининг маънавий-ахлоқий муаммоларининг поэтик таҳлили, асардаги аёллар образи характерида қаҳрамонлик хусусиятларининг бадий талқини, асардаги диний-гасаввуфий мазмундаги комил инсон ғояси билан суғорилган ҳикоятлари таҳлили ҳақидаги илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан 2003–2007 йилларда бажарилган 5.1.17-рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 8903–5490-сон маълумотномаси). Натижада, “Минг бир кеча” асаридаги айрим ҳикоятлари марказида турган комил инсон концепцияси таъсирининг миллий адабиётимизда давом эттирилганлиги ва такомиллаштирилгани, асардаги адабий-эстетик идеал, комил инсон ғоялари поэтик талқинининг таълим-тарбия жараёнидаги улкан аҳамиятига доир муайян хулосалар чиқаришга хизмат қилган;

Диссертациянинг “«Минг бир кеча» асарининг пайдо бўлиш манбалари: фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналари синтези” номли биринчи боби юзасидан чиқарилган фольклор ва мумтоз адабиётга хос хусусиятларнинг синтезлашиш ҳолатлари, адабий-тарихий анъаналарга издошликнинг ўрни масаласига оид илмий-назарий хулосалардан 2012–2016 йилларда бажарилган Ф1–ФА–0–43429 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳа ижросида фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 8903–5490-сон маълумотномаси). Натижада, асар ҳикоятларининг дастлаб фольклорга, оғзаки ижод орқали ёзма адабиётга кўчишидаги адабий мушоҳадани кенгайтиришга хизмат қилган;

миллий ва жаҳон адабиётининг ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ўрни, бадий-эстетик такомилдаги аҳамиятига доир таклиф ва тавсиялардан Бухоро вилоят “ISTIQLOL–TV” нинг 2018 йил 27 ноябрь ҳамда 2020 йил 22 мартда эфирга узатилган “Ҳаёт фалсафаси” кўрсатувининг дастур сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бухоро вилояти “ISTIQLOL – TV” нинг 2020 йил 1 декабрдаги №1909-маълумотномаси). Натижада, ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 44 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, (жумладан, 11 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 240 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“«Минг бир кеча» асарининг жаҳон адабиётида тутган ўрни: фольклор ва мумтоз адабиёт анъаналари синтези”** деб номланган. Боб икки фаслга бўлинган.

Биринчи фасл **“«Минг бир кеча» асарининг пайдо бўлиш манбалари”** деб номланиб, бунда асарнинг пайдо бўлиш тарихи, шарқ халқлари оғзаки нутқининг ёзма адабиётга кўчиши ҳақидаги олимлар илгари сурган илмий-назарий қарашлар тизимли таҳлил этилган. Жумладан, X аср филологи ва тарихчиси Ҳамза аль-Исфahоний асар эрамизгача бўлган 250 йилдан эрамизнинг 224 йилигача яшаб ўтган Аршахидлар даврида яратилганлигини айтади. XIX асрда асарнинг келиб чиқиши ҳақида икки хил концепция вужудга келади: “Ҳинд-эрон” ва “араб” ҳикоятлари. ”Ҳинд-эрон”

концепциясини Й.Хаммер-Пургшталь биринчи бўлиб аниқлайди. Англиялик олим Ричард Бёртон “Ҳезор афсоне”ни “Минг бир кеча”нинг прототиби бўлиб, Шахризода ва Шахриёрлар образи форсча матннинг арабчалаштирилган варианты”,-деб қарайди<sup>15</sup>. Немис филологи Август Шлегель (1767-1845) ҳатто “Минг бир кеча”ни санскритдан таржима деб, ундаги исмлар қадимги ҳиндча исмларнинг ўзгартирилган варианты, деб қарайди<sup>16</sup>. XIX асрнинг йирик арабшуноси А.М.Сильвестр де Саси (1758-1838) “Ҳинд-эрон” коцепциясини мутлақо инкор этиб, ал-Масъудий фикрини рад этади. Унинг фикрича, асар ўрта аср араблар ижоди маҳсулидир. ”Минг бир кеча” ислом дунёқараши билан суғорилган бўлиб, ундаги урф-одатлар арабларники, тили сурияликларнинг лаҳжасига ўхшаб кетишини таъкидлайди<sup>17</sup>. Голландиялик олим М.Я. де Гук (1836-1909) тўпламнинг XV асрнинг иккинчи ярмида Мисрда вужудга келганлигини айтади<sup>18</sup>. Немис олими Август Мюллер (1848-1892) унинг бир муаллиф томонидан ёзилганлигини рад этган ҳолда асарнинг форсий ядроси атрофида янги ҳикоятлар вужудга келганини таъкидлайди<sup>19</sup>.

Бундан ташқари қатор араб олимлари “Минг бир кеча” эртаклари ва араб халқ қиссалари тадқиқоти билан шуғулландилар. Жумладан, Эҳсон Аббос, Луис Авад, Маҳмуд Таршун, Форук Хуршид ҳамда Муҳаммад Рамазоний ва бошқаларнинг тадқиқотларини ҳам қайд этиш зарур<sup>20</sup>. Таъкидлаш зарурки, “Минг бир кеча”нинг энг қадимги ҳикоятлари ал-Масъудий ва Ибн ан-Надимлар таъклидлашганидек, “Ҳинд-эрон” ҳикоятлари бўлиб, асосан “Ҳезор афсоне”дан арабчага таржима қилинган. “Ҳезор афсоне”нинг дунёга келишида эса қадим ҳинд адабий ёдгорлиги бўлмиш “Калила ва Димна” асарининг паҳлавийча таржимаси асос бўлиб хизмат қилади. “«Ҳезор афсоне»нинг арабча таржимаси VIII асрда араб-мусулмон маданияти Эрон маданий одатларига сингиб бораётган бир даврда амалга оширилган. ”Ҳезор афсоне”нинг исломийлашган ва арабийлашган варианты VIII асрда “Минг кеча”деб номланган”<sup>21</sup>.

XII асрга келиб Қоҳирада мазкур тўпламга қатор янги ҳикоятлар, жумладан, Месопотамия-Сурия ва Мисрда яратилган эртаклар киритилган. Шу даврда тўпламнинг номига ҳам ўзгариш киритилган. У энди “Минг бир кеча” деб аталган. Тўпламнинг бизгача етиб келган варианты XVI-XVII асрда Усмонли турк султони Салим (1512-1520) нинг Миср ва Сурияни забт этган даврида хотима ясаган нусхасидир. Шу тахлит “Минг бир кеча” жаҳоннинг

<sup>15</sup> Фильштинский И.М. История арабской литературы V-начало X века. – М.: Наука, 1985. – С.13.

<sup>16</sup> Ўша китоб. – Б.13.

<sup>17</sup> Schlegel A.Lettre a M.le baron Silvestre de Sacy.-JA.1936 ,1. – С.575-580

<sup>18</sup> Крымский А.Е. Тысяча и одна ночь. Общий историко-литературный очерк. – М.,1905. – С.23-24.

<sup>19</sup> Müller A. Zu den Märchen der 1001 Nacht.- Beiträge zur K.der indogermanischen Sprachen. Göttingen , 1988, 13, с.222-224.

<sup>20</sup> Ихсан Аббас.-Тарих аль-адаб аль-арабий. –Аль-Қаҳира, 1960. – 480 с. (арабий.); Форук Хуршид. Адва’ ’ала-с-сийар аш-ша’биййа. – Қаҳира, 1964. (арабий); Таршун Маҳмуд.Миат лайала ва лайла. – Тунис,1979. – 560с. (арабий) Муҳаммад Рамазоний. Ҳезору йек шаб. (Таҳқиқ ва баҳси адабий ва тарихий). – Техрон, х.1315. (форсий).

<sup>21</sup> Гилемшин Ф.Ф. Татарский перевод “ Тысяча и одной ночи” (языковые и стилистические особенности). Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Казань, 1998. – С.5.

турли халқлари ҳикоятларини ўзида мужассамлаштирган йирик асарга айланади.

Иккинчи фасл “«Минг бир кеча» ва Европа адабиёти“ деб номланади. Унда “Минг бир кеча” асарининг Европа адабиётига бадиий синтези тадқиқ этилади. XII-XIV асрларда кўплаб сеҳрли эртак ва афсоналар, ғаройиб саргузаштлардан ҳикоя қилувчи қиссалар, Шарқнинг турли-туман ишқий-романтик асарлари Европа халқлари тилларига таржима қилинган<sup>22</sup>.

Адабиётшунос Б.Рифтин маълумотида кўра европалик адиблардан Хуан Руис де Аларкон (XVII аср), Франсуа Бланше (XVIII аср), Хуан Валера, Х.Андерсен (XIX аср) ва бошқалар Ўрта аср ҳинд ҳамда араб адабиётида кенг тарқалган ҳикоятлар ва сюжетлардан ўз роман ва қиссалари, драма ҳамда комедияларида самарали фойдаланганлар<sup>23</sup>.

Б.Рифтин фикрини тўлдирар экан, профессор Н.Комилов: “Шарқ адабиётида қадим замонлардан бадиий ижодда давом этиб келаётган “ҳикоя ичида ҳикоя айтиш” услуби Европада кўпгина ажойиб насрий асарларнинг яратилишига замин ҳозирлади. Уйғониш даври адиблари ва ундан кейинги давр Европа ёзувчилари ҳам “Минг бир кеча”дек муаззам асар сюжетларидан унумли фойдаландилар. Бу сюжетлар асосида Ғарбда яратилган асарлар классик обидаларга айланган, – деб ёзади ўз асарида. У яна: “Асли ҳинд заминида пайдо бўлиб, кейин форс ва араб тилларига таржима этилган “Минг бир кеча”даги бу туркум ҳикоятлар Педро Альфонс, Хуан Мануэл ва бошқа Европа адиблари ижодига кучли таъсир кўрсатган. Зеро бу ҳикоятлар XVIII асргача француз, испан ва италян тилларига қайта-қайта нашр этилган”<sup>24</sup>, – деб ёзади. Дарҳақиқат, Уилям Бекфорд (1786), Томас Мур (1817), Педро Альфонс, Хуан Мануэль, Франко Саккетти ижодида “Минг бир кеча”нинг таъсирини кўришимиз мумкин. Уилям Бекфорднинг “Ватек”<sup>25</sup> (халифа Восиқ қиссаси) Аббосийлар сулоласидан халифа Восиқ – Муътасимнинг ўғли ва Ҳорун ар-Рашиднинг невараси тарихи билан боғлиқ асар бўлиб, унда ўрта аср Шарқона удуми ва ҳаёт тарзи ёрқин лавҳаларда ифода этилади. 1817 йилда инглиз-ирланд адиби Томас Мур ўзининг энг йирик асари, тўрт қиссани ўз ичига олган шарқона мотивда яратилган – “Лалла Рук”<sup>26</sup> (форсчасига “Лоле рух”) асарини ёзди. Испан ёзувчи ва шифокори Педро Альфонсо<sup>27</sup>нинг шуҳрати асосан XII аср бошларида лотин тилида ёзган ўттиз учта қисқа ҳикоятлар тўплами асосида ёйилди. Бу асар араб тилидан таржима қилинган ахлоқий характердаги Шарқ эртаклари тўпламидир. Ўрта аср Испаниянинг энг буюк ёзувчиларидан Дон Хуан Мануэль<sup>28</sup> (1282 –1349) ўзининг “Граф Луканор” китоби билан энг яхши муаллиф сифатида танилган

<sup>22</sup> Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 131.

<sup>23</sup> Рифтин Б.Л. Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. – М.:1974. – С.81.

<sup>24</sup> Комилов Н.Тафаккур қарвонлари. –Т.: 1999. – Б.131.

<sup>25</sup> [https://royallib.com/book/bekford\\_uilyam/vatek.html](https://royallib.com/book/bekford_uilyam/vatek.html)

<sup>26</sup> 1817 йилда инглиз-ирланд адиби Томас Мур томонидан шарқ романтик қисса жанрида ёзилган “Лалла рук” насрий -шеърый асар. (“Лалла рук” аслида форсчада “Лоле рух” тарзида таржима қилинади. Яна уни “суюкли” маъноси ҳам бор). <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

<sup>27</sup> <https://amp.google-info.org/>

<sup>28</sup> Хуан Мануэль. Граф Луканор. / Пер. Д.К.Петрова. – М.;Л.: Государственное издательство Художественной литературы, 1961. – 185 с. <https://facetia.ru/node/>

(1335). Асар 52 та қисқа ҳикоялардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги араб манбаларидан олинган. Франко Саккетти<sup>29</sup>нинг “Уч юз новелла”си Италия Уйғониш даврининг энг ёрқин, энг машҳур адабий асарига айланган эди. Шулар қаторида “Декамерон”<sup>30</sup>нинг (1352 – 1354) алоҳида ўрни бор. Диссертацияда мазкур асарнинг айрим ҳикоятлари “Минг бир кеча” асари ҳикоятлари сюжети билан конкрет мисоллар орқали ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўрсатилган ҳолда далилланди. Бироқ “Декамерон” ҳикоятлари “Минг бир кеча”га жуда яқин бўлгани билан Шарқ адабиётидаги қадим анъана – меҳр, диёнат, вафо, садоқат, покликни улуғлаш каби муқаддас ғоялар Бокаччо асарида топилмайди.

Диссертациянинг иккинчи боби “«Минг бир кеча» асарининг ўзбек адабиётига таъсири” деб номланган. Боб уч фаслга бўлинган. “«Минг бир кеча» ва ўзбек халқ эртаклари” деб номланган биринчи фаслда асарнинг ўзбек халқ эртакларига таъсири доираси илмий тадқиқ этилади.

Халқ оғзаки ижодини ўрганишнинг бошланғич даври олимлари Е.М.Мелетинский, В.П.Аникин, А.Н.Самойлович, А.Н.Веселовский, Ж.Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, К.Леви-Стос, В.М.Жирмунский ва бошқа олимлар тадқиқотлари адабиётшунослик фанининг таркибидаги мустақил фан ҳисобланган фольклоршуносликни ривожлантиришда салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди<sup>31</sup>. Европада эса фольклор жанрларини ўрганиш X асрга бориб тақалиши масаласига тадқиқотчи С.Кўчқорова ўзининг “Европа ва ўзбек халқ эртакларининг ўрганилишига оид”<sup>32</sup> мақоласида Европада эртак жанри устида энг кўп илмий изланишлар олиб борилган давр дея – XVI – XVII асрларни кўрсатади. Кейинчалик Америка ва Европа олимлари эртаклар таснифини яратишга киришишганини айтиб, эртаклар 3 турга: 1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар. 2. Аслий эртаклар. Улар ўз навбатида учта турга ажратилади: а) сеҳрли эртаклар, б) афсонавий эртаклар, д) шайтон ёки девлар ҳақидаги эртаклар. 3. Латифа эртакларга бўлинишини исботлайди<sup>33</sup>.

Туркистон ўлкасида XIX асрнинг иккинчи ярмидан Миён Бузрук Солиҳов, Ҳоди Зарифов, Ҳоди Расул, Буюк Каримов каби олимлар томонидан ўзбек эртакларини ўрганиш ишлари бошланган. Бироқ бизда эртак жанрининг жуда қадимдан мавжуд эканлигини XI асрда яратилган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида “эртак” атамасининг “этуқ” тарзида қўлланганлиги мисолида кўриш мумкин. Замонавий ўзбек фольклоршунослигида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. Чунончи,

<sup>29</sup> Китоб 1392 йилда бошланиб, 1395 йилда тугатилган. Саккетти моҳир ёзувчи эмас эди. Саккеттининг “Уч юз новелла”си унинг номини унутулишдан қутқарди ва бизнинг давримизда асарини ўқишни ва таржима қилишни давом эттирадиган ёзувчилар орасидан жой берди. <https://librebook.me/>

<sup>30</sup> Бокаччо Ж. Декамерон. / К.Мирмухаммедов тарж. – Т.:Ўқитувчи, 1979. – 345 б.

<sup>31</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. Москва: Высшая школа, 1989; Аникин В.П. Русская народная сказка. – М.: Наука, 1959; Аникин В.П. Теория фольклора. – Москва, 1996; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Ленинград, 1946; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Ленинград, 1974; Леви-Строс К. Структурная антропология. – М., 1983; Фрэзер Дж. Дж. Золотая ветвь. – М.: 1986; Фрэзер Дж. Дж. Фольклор в ветхом завете. – М.: 1989; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. (Серия «Исследования по фольклору и мифологии Востока»). – М.: Наука, 1995. – 407 с. Путилов Б. Н. Мотив как сюжетобразующий элемент: типологические исследования по фольклору. – Москва, 1975.

<sup>32</sup> <https://saviya.uz/>

<sup>33</sup> <https://saviya.uz/>



М.Афзалов<sup>34</sup> ўзбек халқ эртақларини таснифлаш жараёнида айрим мотивлар ҳақида умумий мулоҳазаларни билдирган бўлса, Ғ.Жалолов<sup>35</sup> эртақлардаги мотив ва образлар масаласига алоҳида тўхталади. Х.Эгамов<sup>36</sup> эртақчилик анъаналари алоқаларига доир тадқиқотида мотив ва сюжет, кўчиб юривчи мотивлар муаммосини ўрганса, Ж.Юсупов<sup>37</sup> эртақ ва маросим муносабатларининг тарихий-типологик таҳлилини Хоразм эртақлари мисолида ўрганади. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаровлар ўзбек халқ оғзаки ижодининг назарий асосларини ишлаб чиқдилар. Халқ оғзаки ижоди назарий масалаларига доир асарлар яратилиши натижасида шу йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларига туртки бўла оладиган муаммолар кўтарила бошланди. Бундай улкан ишлар доирасида ҳали ўрганилиши зарур бўлган қирралар ҳам мавжудки, бу ўзбек халқ оғзаки насрида Шарқ адабиёти бадиий синтези масаласидир. Шу нуқтаи назардан мазкур фаслда “Минг бир кеча” асарининг ўзбек халқ оғзаки насрига таъсири доираси тадқиқ қилинди. Чунончи, Хоразм халқ эртаги бўлмиш “Тухматчилар жазоси”<sup>38</sup>, “Ўрозбой билан Олтинжон”, “Камбағал хотин”<sup>39</sup> “Ақлли хотин”<sup>40</sup> ва бошқа шу каби эртақлар “Минг бир кеча” асари лавҳалари билан қиёсан ўрганилди. Мазкур эртақларнинг ғояси маълум, яъни эртақ юзага келган давр тузуми, аёлларга бўлган муносабатнинг ёмонлашуви, мансаб эгаларининг маиший бузуқ характерига нисбатан халқнинг салбий муносабатини акс эттиришдан иборатдир. Бу эса, “Минг бир кеча” ҳикоятлари ғояси билан ҳамоҳангдир. Бироқ юқорида келтирилган эртақ ва асарлар ғоявий мазмуни, фош этиш усуллари жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, лекин ҳар бир эртақдаги образлар ўзларининг ҳаракати, характери, ички дунёси, руҳияти, тили ва бошқа хусусиятлари билан маълум даражада ажралиб туриши қиёсий- таҳлилий аспектда ўрганилди.

Бобнинг иккинчи фаслида “«Минг бир кеча» ва ўзбек мумтоз адабиёти” масаласи тадқиқига тўхталиниб, асарнинг айрим ҳикоят лавҳаларининг ўзбек мумтоз адабиётига таъсири қиёсий сатҳда ёритилди. Бунда Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр”, Мажлисийнинг “Қиссайи Сайфулмулк” достони сюжетлари, Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё” асаридаги айрим лавҳалар, Пошшоҳўжанин “Мифтоҳул-адл” китоби ҳамда Гулханийнинг “Зарбулмасал”и “Минг бир кеча” асаридаги айрим ҳикоятлари лавҳалари билан мослиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Чунончи, “Минг бир кеча” асарининг “Шаҳзода ва етти вазир” ҳикоятидаги “Канизак билан заргар”<sup>41</sup> ҳикоятидаги айрим лавҳалар “Сабъаи

<sup>34</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Т.:Фан, 1964. – 205 б.

<sup>35</sup> Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Т.:Фан, 1976. – 267 б.

<sup>36</sup> Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 129 б.

<sup>37</sup> Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. – Т.: Фан, 1997. – 167 б.

<sup>38</sup> Хоразм эртақлари. / Нашрга тайёрловчи Ф.Абдуллаев. – Т.: 1961.14-186б.

<sup>39</sup> Ўзбек халқ ertaklari. / Tuzuvchilar: M.Abzalov, X. Rasulov, Z.Xusainova. – Т.: O'qituvchi, 19983. 3jildlik. J.2. – В.100.

<sup>40</sup> Ўзбек халқ ertaklari. / Tuzuvchilar: M.Abzalov, X. Rasulov, Z.Xusainova. – Т.: O'qituvchi, 1998. 3jildlik. J.1. – В.226.

<sup>41</sup> Минг бир кеча.Араб эртақлари. / Ю.Ҳакимжонов тарж. – Т.: 1962. 8жилдлик. Ж.5. – Б.399.

сайёр” асаридаги тузилиш ва ички кечинмаларнинг деярли ўхшаш. Навоий бу сюжетдан ўзининг илғор ғояларини ифода этиш мақсадида фойдаланиб, қолипловчи ҳикоятга кирган новеллаларни ихчамлаштириб, мазмун ва шакл жиҳатидан мукамал асар яратишга муваффақ бўлган.

“Минг бир кеча” асарининг 756 – 778 кечаларини ўз ичига олган “Сайфулмулук қиссаси”<sup>42</sup> ҳикоятида Сайфулмулукнинг Бадиатулжамолга бўлган севгиси ва унга эришиш йўлида чеккан заҳматлари ҳикоя қилинади. Мажлисийнинг “Сайфулмулук” достонида ҳеч ўзгаришсиз мазкур ҳикоятнинг дoston шаклини кўришимиз мумкин.

“Минг бир кеча” асарининг “Балиқчи билан дев ҳикояти”<sup>43</sup> ҳазрати Сулаймонга итоат этмаган жин дуо-афсун билан кичик мис кўзага тиқилиб, оғзи кўрғошинда кавшарлаб абадий беркитиб кўйилгани, 1800 йилдан сўнг бир камбағал балиқчи денгизга тўр ташлаб, уни тутиб олгани тасвирланади. Бироқ “Минг бир кеча”да афсун қилиниб, мис кўзага қамаб, денгиз тубига ташланган жин-девнинг қайси гуноҳлари учун бундай оғир жазога учрашининг сабаблари батафсил айтилмайди. Бироқ ўзбек мумтоз насрининг ажойиб намуналаридан бири Носируддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида юқорида тилга олинган дев қисмати воқеаси анча муфассал ва тўлиқ ҳикоя қилинганини кўриш мумкин.

“Минг бир кеча”даги панд-насихат йўналишидаги ривоят ва ҳикоятларига ўхшаб кетадиган яна бир мумтоз асар бу Пошшоҳўжа<sup>44</sup>нинг “Мифтоҳул-адл” китобидир. Пошшоҳожа Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонга атаб “Мифтоҳ ул-адл” (“Адолат калити”, 1508 – 1510) асарини яратган. Бу асарда ахлоқий-дидактик хусусиятга эга бўлган фикрларни шарҳлаш учун машҳур подшоҳлар ҳақидаги турли ҳикоят ва масаллар келтирилган. Уларда давлатни бошқариш, раият билан муносабат масалалари, инсофли ва адолатли подшоҳ образи тасвирланган<sup>45</sup>.

Муҳаммад Шариф Гулҳанийнинг “Зарбулмасал” асаридаги ҳайвонлар тилидан бўладиган мулоқот ва бу мулоқот замирида жуда чуқур маъно мужассамлигини “Минг бир кеча” асарининг ҳайвон ва паррандалар ҳақидаги эртақ ва ҳикоятларига ўхшатиш мумкин. Мазкур иккала асарнинг шу типдаги эртақлари ғояси бирлиги, яъни халқ дардини ҳайвонлар тилидан айтилиши каби масалалар таҳлил ва тадқиқ доирасига тортилган.

Учинчи фасл “«Минг бир кеча» ва XX аср ўзбек адабиёти” деб номланади. Унда асарнинг XX асрда адиблар ижодига ҳам самарали таъсири тадқиқ объекти сифатида олинди. “Минг бир кеча” ҳикоятлари сюжети XX аср бошида дастлаб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг

<sup>42</sup> Минг бир кеча. Араб эртақлари. / А. Расулов таржимаси. – Т.: Ўздадабийнашр, 1963. 8 ж. Ж. 7. – 133 б.

<sup>43</sup> Минг бир кеча. Араб эртақлари. / С. Муталлибов тарж. – Т.: Ўздавнашр, 1959. 8 жилдлик. Ж. 1. – Б. 41.

<sup>44</sup> М. Давлатованинг маълумот беришича, Пошшоҳўжа Абдулваҳобхожа ўғли (1480, Нисо – 1547, Бухоро) – шоир, давлат арбоби ва йирик уламо. Бухоро хони Убайдуллахон Ҳиротни фатҳ этгач (1529 йил), у садрликдан шайхулисломлик даражасига кўтарилган. Кейинчалик Балх ҳокими Кистан Қаро Султон (1544 йили вафот этган) ҳузурда садрлик ва шайхулислом вазифасида фаолият кўрсатган (1534 – 1543). Пошшоҳожа 1543 йилда ўз вазифасидан воз кечиб, Бухорога қайтади ва бадиий ижод билан шуғулланади. <https://ziyouz.uz/uzbek-sheriyati/uzbek-mumtoz-sheriyati/poshshoxoja/>

<sup>45</sup> <https://ziyouz.uz/uzbek-sheriyati/uzbek-mumtoz-sheriyati/poshshoxoja/>

“Майсаранинг иши”<sup>46</sup> комедиясида учратамиз. Адибнинг “Майсаранинг иши” комедияси “Минг бир кеча” асарининг “Шаҳзода ва етти вазир” бобидаги олтинчи вазир ҳикояти сюжетига жуда ҳам яқинлигини сезишимиз мумкин<sup>47</sup>. Шуниси диққатга сазоворки, “Майсаранинг иши” комедиясида ҳам салбий тип ва образлар – сарой амалдорларидан тортиб, савдогар ва миршабларгача замонанинг ҳукмдорлари томонидан гувоҳлар асосида эмас, балки тадбирли, донишманд аёлларнинг ҳукми билан жазоланадилар.

“Минг бир кеча”да эса ҳикоят ғояси бир оз бошқачароқ. Унда гап вазирнинг подшога аёллар макри ҳақида айтган ҳикоятлари устида боради. Савдогарнинг аёли макру хийла билан дурадгордан тортиб подшогача тузоққа илинтиргани-ю, охир-оқибат маъшуқини зиндондан қутқариб, у билан бошқа шаҳарга қочиб қолгани лавҳалари ифодаланади. Табиийки, бунда китобхон аёлнинг ишлатган макру хийлаларини ҳеч қачон оқламайди.

XX аср ўрталарига келиб адиб Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”<sup>48</sup> асаридаги энг қизиқарли лавҳаларни “Минг бир кеча” асарида учратишимиз мумкин. Чунончи, “Минг бир кеча” асарининг биринчи жилдида “Савдогар Айюб билан унинг ўғли Ғаним ибни Айюб” ҳикояти бор<sup>49</sup>. Ундаги ҳикоят тафсилоти айнан Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” асари сюжети билан ҳамоҳанг. “Минг бир кеча” ҳикоятларидаги бир қулнинг бошидан кечирганлари лавҳаси “Шум бола”нинг бошидан кечирадиган лавҳаларининг бирига жуда ўхшаб кетади. Чунончи, ҳикоят давомида қулнинг бойни алдагани билан боғлиқ лавҳалар “Шум бола”да айнан келтирилади. Ёзувчи “Минг бир кеча” ҳикоятидаги қулнинг тўқиган ёлғонларини бир оз ўзгартириб, бир оз кенгайтириб, шум бола образига сингдириб, унга ўзбекона руҳ бағишлаган. Ғ.Ғулом ўз асарини китобхонга тақдим этар экан, бу билан у ўзбек адабиётида ўз ўрнини мустаҳкамлади, йиллар оша, асрлар оша ўз жозибаси, ўқимишлилик кучини йўқотмайдиган бир ўлмас асар яратишга эришди. Бундай асарнинг бунёд бўлишида, табиийки, “Минг бир кеча” асарининг ҳиссаси беқиёс.

“Минг бир кеча” асаридаги “Басралик Ҳасан қиссаси”<sup>50</sup> ҳикояти сюжетидаги айрим лавҳалар Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”<sup>51</sup> асари лавҳаларига ўхшайди. “Басралик Ҳасан” қиссасида қаҳрамон – Ҳасан ўз ёри ва болаларини ёвузлар чангалидан қутқариш жараёнидаги ҳикоят воқеалари ечимини ана шу сеҳрли қалпоқ ва таёққа бориб тақалади. Ҳасан ўша буюмлар орқали ва уларнинг ёрдами билан ёвузлардан ўч олишга ва натижада хотини ва болаларини қутқаришга эришади. Ҳикоят одатдагидек яхшилик билан тугайди. Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамони – сеҳрли қалпоқчани тўсатдан топиб олган Ҳошимжон эса ҳамма нарсага осонлик билан эришишни орзу қиладиган мактаб ўқувчиси. Муаллифнинг мақсади

<sup>46</sup> Ҳамза. Танланган асарлар./Таҳрир хайъати К.Яшин ва бошқ. – Т.: 1981. 4-жилдлик. Ж.4. – Б.73.

<sup>47</sup> Бу ҳикоят сюжети билан юқорида илмий ишимизнинг ““Минг бир кеча” ва ўзбек халқ оғзаки ижоди” фаслида танишиб чикдик.

<sup>48</sup> Ғулом Ғ. Шум бола. – Т.:1992. – 141б.

<sup>49</sup> Минг бир кеча. Араб эртаклари. / С.Муталибов тарж. – Т.: 1959. Ж1. – Б.343.

<sup>50</sup> Минг бир кеча. Араб эртаклари./ А.Расулов таржимаси. Т.: Ўзадабийнашр, 1963. 8ж. Ж.7. – 218 б.

<sup>51</sup> Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. – Т.: Янги Аср Авлоди, 2010. – 544б.

маълум, ҳеч бир муваффақиятга меҳнатсиз эришиб бўлмайди. Бироқ қаҳрамонлар Ҳошимжон билан Ҳасан ўртасида умумий ўхшашлик мавжуд бўлмаса-да, “Сариқ девни миниб”даги сеҳрли қалпоқ ғояси “Минг бир кеча”ники десак янглишмаймиз.

Диссертациянинг учинчи боби “**Асарнинг ўзбекча таржималарида бадийятни қайта яратиш**” деб номланган. Боб уч фаслдан иборат.

Биринчи фасл “*«Минг бир кеча» асари ўзбекча таржималарининг тарихий-эстетик аҳамияти*” деб номланган. Бунда асарнинг XX асрда Туркистон заминида уч марта таржима бўлганлиги, унинг таржимонлари ҳақидаги маълумотлар, таржимонлар маҳорати тадқиқи масаласига эътибор қаратилади.

1911-1913 йилларда Саййид Аҳрор Маҳдум<sup>52</sup> ва Сидқий Хондайлиқийлар бир-бирларидан беҳабар ҳолда ҳомийлар ташаббусига кўра таржимани амалга оширганликлари, учинчи таржима эса XX асрнинг 60-йилларида бир гуруҳ арабшунослар томонидан арабий нусхадан таржима амалга оширилгани тадқиқи эътиборга олинган. Хондайлиқий асарнинг кириш қисмида ёзади: “...Араб забонининг фаҳми аҳли фазлу арбоби адабга хос бўлиб, араб забонининг фаҳмига қудрат топмоғонлар баҳра ололмаганлари каби бизнинг Туркистон вилоятига биродаримизнинг ҳам тўлароқлари (аксари) бу ганжи бениҳоят ва бу дарёи беканорадан фойдаланиб, бу иштиёқ водийсининг ташналаблари сероб бўла олмас эдилар”<sup>53</sup>. (Туркийдан табдил.) Мазкур фаслда Аҳрор Маҳдум ва Сидқий Хондайлиқийнинг таржималарига асос бўлган форсий манбанинг адабий қиймати, бадий жиҳатлари ва ўзбек таржимонларининг асарга муносабати, бадий ғоялари тадқиқ қилиб берилди. Ҳар бир таржимоннинг ютуқ ва нуқсонлари, танлаган таржима йўли, маҳорат даражаси очилиб, шу асосда таржимадаги эркинлик ва ижодийлик, сўзма-сўзлик тамойиллари белгиланди, сабаблари очиб берилди. Изланишларимиз шуни кўрсатдики, Сидқий Хондайлиқий ва Аҳрор Маҳдум бир манба, яъни Абдуллатиф ат-Табризийнинг форсча нусхасидан фойдаланганлар, фақат 60-йилларда амалга оширилган учинчи таржима асл арабча нусха асосида бажарилган. Мазкур фаслда форсий нусхада йўл қўйилган ўзгаришлар, табиийки, Сидқий Хондайлиқий ва Аҳрор Маҳдум таржималарига ҳам ўтганлиги, 60-йиллар таржимаси асл нусхадан ўзбекчалаштирилгани учун савияси юқорилиги мисоллар орқали далилланган. Бироқ унда ҳам ўзига хос камчилик ва ютуқларининг сабаб ва мақсадлари асослаб берилган.

Бобнинг иккинчи фасли “*Ўзбекча таржималарда бадий санъатларнинг қайта яратилиши*” деб номланган бўлиб, мазкур фасл жумлалардаги “ташбеҳ” ва “муболаға” бадий санъатларининг таржималарда қайта яратилиши асосида тадқиқ этилган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, айрим ўринларда “ўхшатиш”ли жумлалар таржимада оддий гаплар тарзида таржима қилинган, ёки бўлмаса, умуман таржима қилинмасдан қолдириб кетилган. Буни асардаги “Канизак

<sup>52</sup> Аҳрор Маҳдумнинг «Минг бир кеча» асари таржимаси нашрини тезлаштириш ҳақида ношир Зуфар Шукур Муҳаммад ўғлига илтимосномаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланмоқда.

<sup>53</sup> Минг бир кеча. / Сидқий Хондайлиқий таржимаси. ЎЗР ФАШИ. Л. №10551. Ж. 1. – Б. 3.

Таваддуд” ҳикоясидаги бир жумла мисолида кўриш мумкин. Арабча нусхада берилиши:

" ثم أمر ان تخضر الجارية تودد فحضرت واطهرت نفسها و هي كأنها كوكب درى فوضع لها كرسي من ذهب فسلمت و نطقت بفصاحة لسان..."

54

(Яъни, жорияни олиб келишибди, Таваддуд келиб, ўзини кўрсатибди ва у худди ёруғ юлдуздек экан, унга олтин курси кўйишибди, у салом бериб, фасоҳат билан сўз бошлабди).

Форсчада:

" او بي پرده در آمد چون ستاره در حشان بود از براي او كرسي زرین بنهادند انگاه بفصاحت تمام سخن گفتن آغاز کرد..."

55

Ахрор Махдум таржимасида эса қуйидагича:

" انگا آلتون كورسي قويوب بيرديلار و اول پريوش يوز نازو كرشمه بيلان كيلوب كورسي اوزره اولتوردي فصيح تيل بيلان سوز باشلاب ايدي..."<sup>56</sup>

Ҳозирги замон ўзбек тилида: Таваддуд ёруғ юлдуздек яркираб кириб келиб, ўтирганларга таъзим қилиб, ўзини кўрсатибди...<sup>57</sup>

Берилган мисолда канизакка *кأنها كوكب* деб таъриф берилган бўлса, форсчада бу *ستاره در خشان* бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида эса, “ёруғ юлдуздек”, бўлиб таржима қилинган. Бу ибора Ахрор Махдум таржимасида мутлақо кўринмай қолган.

Адабиётшунос Қ.Мусаев ёзади: “Баъзан таржимонлар оригинал асарнинг ўзига хослигини китобхонларга етказиб бериш мақсадида, унда фойдаланилган тасвирий воситаларни имкон борича моддий тарзда етказиб беришга ҳаракат қиладилар. Айни услуб воситасида тўла-тўқис мазмун ва стилистик мақсадни китобхонларга аниқроқ етказиб бериш мақсадида гоҳо тасвирларнинг айрим қисмларини ўзгартириб таржима қилишни тақозо этади”<sup>58</sup>.

Бундай таржима усули оригинал асардаги мазмундорликни китобхонга аниқ тарзда етказа олмайди ва натижада чиройли ўхшатишлар ёки ўхшатиш орқали берилаётган бўрттириб кўрсатишлар таржимада ўз салмоқдорлигини буткул йўқотади.

Асардаги “Тоҷулмулук қиссаси”дан мисол:

“...Оқ шаҳар шоҳи Зуҳарнинг бир қизи бормиш, у ҳуснда замонининг танҳоси бўлиб, таърифидан тил ожиз эмиш. Қоматлари келишган, оҳу кўз, қайрилма қош, сиймосидан киши кўз узмасмиш. Ҳар қандай кишини кўз қараши билан эсанкиратиб, юз ўгириш билан ҳалок қилармиш.”

Арабчада:

اعلم أيها الملك انه بلغني ان الملك زهرشاه صاحب الارض البيضاء له بنت بارعة في الجمال يعجز عن وصفها القيل و القال و لم يوجد لها في هذا الزمان مثيل لانها في غاية الكمال قويمة الاعتدال ذات طرف

<sup>54</sup> الف ليلة و ليلة. مصر. القاهرة. 1976. ج. 2. 305.

<sup>55</sup> Минг бир кеча. Форсий. / Абдуллағиф ат-Табризий тарж. ЎзР ФАШИ. Л. №5254. – Б. 25.

<sup>56</sup> Минг бир кеча. / Ахрор Махдум тарж. ЎзР ФАШИ. Л. №77. – Б. 380.

<sup>57</sup> Минг бир кеча. Араб эртақлари. / Ю.Ҳақимжонов таржимаси. – Т.: 1962.8 жилдлик. Ж. 5. – Б. 14.

<sup>58</sup> Мусаев Қ. Бадий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: Ўқитувчи. 1976. – Б. 13.

كحيل و شعر طويل و خصر نخيل و ردف ثقيل ! أقبلت فتنت و ان ادبرت قتلت تأخذ القلب و الناظر..."

59

Форсийда:

"..بشینه ام که ملک زهرشاه خداوند ارض بیضارا دخترست بدیع الجمال که بجهان اندر نظیر و مانند ندارد"<sup>60</sup>

Аҳроп Маҳдумда:

"...سین ایکن دیک قیز ارض بیضاء پادشاهی ملک زهرشاه نینک قیزیدور که جمالده انی مانند نظیری یوقتور و حسنی انداق دورکه شاعر ایتدور بیت

سرو قدی کیم ایرور نازک کمر

دلبری شیرین کلام لب شکر

آی یوزینی طلعتی شیدا قیلور

کمترین قل دور انکا شمس و قمر..."<sup>61</sup>

Кўриб турганимиздек, XX аср 60-йиллар таржимаси Аҳроп Маҳдум таржимасига нисбатан мукамалроқ. Аҳроп Маҳдум таржимасида жуда катта қисқартириш мавжуд.

Таржимачилиқда асл нусха жозибадорлигини сақлашда катта маҳорат билан бирга маълум тажрибага эга бўлиш ҳам муҳимдир. Шунга кўра мазкур асарнинг XX аср бошларидаги ўзбекча таржималари форсий нусха асосида яратилгани боис айнан “арабий жозоба”ни топиш мушкул. XX асрнинг 60-йилларда амалга оширилган таржима эса асл нусхага яқинроқ дейиш мумкин. Бироқ XX асрда уч марта ўзбек тилига таржима қилинган бу асар бир-биридан айрим жиҳатлари томонидан фарқланса-да, уларнинг ҳар бири нафақат ўз даври халқи учун манфаатли, балки миллий адабий жараён ривожига қўшилган улкан ҳиссадир.

Бобнинг учинчи фасли “«Минг бир кеча» асарининг назм таржимасида услуб муаммолари” деб номланади. Мазкур фаслда асарнинг назмий матнларининг ўзбекча таржималарда бериш услублари тадқиқ доирасига киритилди.

“Минг бир кеча” асари таржимонлари Аҳроп Маҳдум ва Сидқий Хондайлиқийлар асарни таржима қилишда ундаги назмий матнни ҳам эътибордан четда қолдиришмаган. Бироқ форсча нусхага таянганлари учун шеърларни ҳам шу манбадан фойдаланиб ўтирганликлари сабаб форсий таржиманинг хусусияти сақланган. Асарнинг XX аср 60-йиллар таржима нусхаси шеърини матнлари таржимонлари Собир Абдулла ва Шоислом Шомухамедовлар эса форсийшунос олимлар. Фикримизча, уларга арабча шеърлар ўзбек тилига тахтуллафз (ўзбекча таржима) қилиб берилган.

Сидқий Хондайлиқий эса тарихда истеъдодли шоир сифатида маълум, ундан тўплам ва баёзлар қолган. Аҳроп Маҳдумнинг алоҳида шеърлар тўплами ёки девонини учратмаган бўлсак ҳам, “Минг бир кеча” асари назмий матнлар таржимасидан унинг шоирлик қобилияти ҳам бўлганини эътироф этишимиз мумкин.

Асарнинг арабча нусхасидан кўра, форсий нусхаларида шеърини қисмлар кўпроқ. Маълум бўладики, “Минг бир кеча”ни форс тилига таржима қилган

<sup>59</sup> الف ليلة و ليلة. مصر. قاهرة. 1976م. ج.1. ص.261-262.

<sup>60</sup> Минг бир кеча. Форсий. /Абдуллатиф ат-Табризий тарж. ЎзР ФАШИ. Л.№5254.– Б.88.

<sup>61</sup> Минг бир кеча. /Аҳроп Маҳдум тарж. ЎзР ФАШИ. Л.№77. –Б.140-141.

таржимон яна кўшимча равишда шеърлар ижод қилган, яъни айрим насрий парчаларни шеър билан таржима қилган ёхуд насрни тўлиқ форс тилига ўгириб, бадииятни кучайтириш учун шеърлар тўқиб қўшиб кетган.

Аввалги фаслда кўриб ўтганимиздек, Султон ибн Фатхалишоҳ “Минг бир кеча”ни форс тилига таржима қилишни Абдуллатиф ат-Табризийга топширганда, арабий шеърлар ўрнига Сидқий таъбири билан айтганда, “мувофиқ форсий шеърлар топиб қўйишни” шоир Мирзо Сурушга топширган. Мирзо Суруш бу топшириқни бажариб, аксар ўзи ижод қилиб, қисман эса мавжуд шоирлар ижодидан фойдаланган бўлиши мумкин.

Ҳар ҳолда асарнинг форсий варианты арабий вариантга нисбатан назмга бойроқ бўлиб қолгани аниқ.

Асарнинг 74-кечасида куйидагича шеър келади (Зулмакон ҳикояси):

چه گوید مردم دانا ملامتگوي عاشقرا  
ساحل غرقه در دريا نداند خفته در كه حال  
شاید نازنین گر بیالاید دو دست بخونم  
62 كه قتلّم خوش همي آید ز دست و پنجهء قائل

(Доно одамлар ошиқларни маломат қилмаслар, чунки қирғоқда ухлаб ётган дарёда ғарқ бўлганнинг ҳолини билмайди. Нозаниннинг икки қўли қонимга беланмаса, шояд қатлим унинг қотил панжаларидан хуш кўринар).

Сидқий Хондайлиқий бу шеърни куйидагича таржима қилган:

“... Зулмакон анинг сўзини эшитмади, учинчи навбат баланд овоз билан бу байтни ўқиди:

Маломатгўйи ошиққа нелар дер мардуми доно,  
Ки, ғарқий ҳолини билгайму ухламоқ кимса соҳилда.  
Қўлим қонимла хунолуд ул нозанин лойиқ,  
Қи, қатлим хуш келур то бўлса гар даст у қотилда<sup>63</sup>.

Мазкур тўртлик Саййид Аҳрор Маҳдумда куйидагича ўгирилган:

“... Зулмакон анинг сўзига қулоқ солмасдан, баланд овоз билан бу шеърни ўқиди, байт:

Маломатгўйи ошиққа на дерлар мардуми доно,  
Ки, ҳоли ғарқийни билмас лаби дарёда ётқон мард.  
Қонимла икки қўлим гар хунолуд эса лойиқдур,  
Анга зулму ситам лойиқ, манга лойиқ ғам ила дард<sup>64</sup>.

Бунда Аҳрор Маҳдум ва Сидқий Хондайлиқий асар таржимасида форсча нусхага таянганлари учун шеърларни ҳам шу манбадан фойдаланиб ўгирганлари ва унда форсий таржиманинг хусусияти сақланган. Таржимонлар ҳар бир шеърнинг хусусияти, мазмунидан келиб чиқиб муносабатда бўлганлар ва сўз ўйинлари, турли поэтик санъатлар ҳар бири ўз таровати билан асар тўқимасига сингдирилиб, юксак бадиийлик сақлаб қолинган. Қофияларга келсак, Сидқий Хондайлиқий форсий шеърдаги қофияни ўзгартирмайди (сохил - қотил). Саййид Аҳрор Маҳдум эса қофияларни бошқа сўзлардан танлаган (мард-дард). Шу каби Саййид Аҳрор Маҳдумда охириги мисра ҳам ўзгартирилган: қотилнинг қўлида ўлсам хуш

<sup>62</sup> Минг бир кеча. Форсий. / Абдуллатиф ат-Табризий. ЎзР ФАШИ. Л. № 5254. – Б. 73.

<sup>63</sup> Минг бир кеча. / Сидқий Хондайлиқий тарж. ЎзР ФАШИ. Л. №10551. – Б. 105

<sup>64</sup> Минг бир кеча. / Аҳрор Маҳдум тарж. ЎзР ФАШИ. Л. №77. – Б. 100.

ёқади, деган маънони у: “Анга зулму ситам лойиқ, манга лойиқ ғам ила дард” деган чиройли мисра билан алмаштирган. Маъно-мазмун янги шеърий ифода ва оҳанг билан берилган. Бундай эркинлик аниқликка хизмат қилганини кўриш қийин эмас.

Бироқ ҳар икки таржимада ҳам ғализлик мавжуд. Чунончи, биринчи мисрани ўзбек китобхони тушунмайди, нима ҳақда гап бораётганлигини англаш қийин. Яъни, доно киши девона ошиққа маломат қилмайди, деган маънони англаш учун анча бош қотиришга тўғри келади, холбуки бадий асар бошқотирма эмас. Шу сингари ҳар икки таржимадаги “ғарқий” (дарёда ғарқ бўлган) ва “хунолуд” (қонга беланган) сўзлари ҳам форсийни билганларгагина тушунарлидир. Сидқий Хондайлиқий ва Аҳрор Маҳдум даврида ҳали ўзбек шеъриятида арузий анъана тўла ҳукмрон эди. Таржимонлар ана шу анъана доирасида ижод қилганлар.

Диссертациянинг тўртинчи боби “«Минг бир кеча» асаридаги аёллар образининг типологик таҳлили” деб номланиб, у уч фаслда тадқиқ этилган. Биринчи фаслда “*Аёллар образида тадбиркорлик ва қаҳрамонлик хусусиятларининг бадий талқини*” масаласи илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Унда асосан аёллар образига эътибор қаратилиб, ўрта аср Шарқ муҳитида аёлларнинг тадбиркорлик, зукколик ҳамда диний ва дунёвий илм эгаллашда ўз ўрнига эгалиги ҳикоятларда яққол ўз аксини топганлиги таҳлил қилинади. Айниқса, асардаги “Канизак Таваддуд ҳикояти” таҳлил марказида туради. “Халифа сўрабди: ”Эй, Таваддуд, илмлардан қайсисини яхши биласан? ”Таваддуд айтибди: “Эй, халифа, мен сарф ва наҳвни, шеъриятни қонуншуносликни, қуръонни шарҳлаш, шунингдек мусиқий илмни, мерос тақсим қилиш илмини, ҳисобни, ер ўлчаш илмини, қадимги кишилар ҳақидаги афсоналарни биламан. Яна Қуръонни етти ва ўн қироат билан ўқийман. ....Мен раёсат-сийёсат илмларини, ҳандаса, фалсафа, ҳикмат илмларини, мантиқни биламан, фасоҳат-балоғатни ўргандим ва кўп хил илмлар хотирамда сақланиб қолган. Шеъриятга ҳам мухлис эдим, уд ҳам чалардим...”

Шу каби ҳикоятларда айрим ишоралар орқали аёлнинг ахлоқий-маънавий тарбиясига алоҳида урғу берилганлигини кузатиш мумкин. Аёллардаги ақл-заковат, фаҳму фаросат, ҳаё ва ибодат каби хислатлар жамул жам бўлган бундай образлар ўз навбатида китобхонни қаҳрамоннинг саъй-ҳаракатларидан ибрат олишга чорлайди. Панд-насихат тарзида айтилган сўзлар эса, эзгуликка, тўғрисўзликка, адолатпарварликка ҳамда комил хулқли инсонни камол топтиришга хизмат қилади. Шунингдек, илму ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмаслиги ғояси “Минг бир кеча” таркибидаги ҳикоятларининг таянч мазмун-муддаоси ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, Шарқ халқлари азал-азалдан босқинчи халқлардан кўплаб азият чекишган. Бундай курашларда жасорат кўрсатган аёлларнинг ўрни ўзгача. Бу қаҳрамонлик ҳодисалари, хотин-қизлардаги ватанпарварлик ҳис-туйғуси “Минг бир кеча” ҳикоятларида бадий тарзда мужассамлашган, ҳаёт воқелиги билан романтик идеаллари чатишиб, бирлашиб кетган. Бундай лавҳаларни хусусан асарнинг “Подшоҳ Умар ибн Нуъмон, унинг Шаррикони ва Зуулмакон номли ўғиллари ҳикояти”даги малика Абризанинг



довюраклиги, паҳлавонлигида, “Али Нуриддин ва Марям зуннория” қиссасидаги Марямнинг шижоатларида, “Шаҳзода ва етти вазир” ҳикоятида канизакнинг ҳикоятидаги бир маликанинг паҳлавонлиги ҳақида айтганларида кўришимиз мумкин. Фаслда мазкур ҳикоятлар тарихий ҳақиқатларнинг асардаги бадийлашма кўриниши сифатида таҳлил қилинади.

Бобнинг “*Аёллар образи характерида диний - ирфоний кўринишларнинг ўзига хос бадийияти*” деб номланган фасли асардаги айрим ҳикоятлар сюжетидаги диний, тасаввуфий лавҳалар таддиқиқига бағишланади. “Минг бир кеча” асари ҳикоятлари таркибида ибратли, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикоятлар ҳам мавжудки, бундай ҳикоятлар марказида ҳам аёллар образи муҳим ўрин тутиши билан бирга ундаги ғоя аёлларнинг тақводорлиги масаласига қаратилган. Хусусан, иймон-этиқодга даъват тарзида баён этилган асарнинг “Билимдон хотин”, “Подшо билан хотин”, “Тақводор хотин”, “Иймонли қиз”, “Шаҳзода ва етти вазир” каби ҳикоятларида аёллар характерида тақводорликнинг улуғланишига урғу берилганлигини кўриш мумкин. Бу ҳикоятларда ғоявий - бадий жихатдан ислом, шариат, исломий ахлоқ-одоб тараннум этилади.

Немис шарқшунос олима А.Шиммел ислом оламидаги хотин - қизлар сиймосига бағишланган китобида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Маргарет Смит ўзининг классик асари бўлмиш “Исломда Робия ва бошқа сўфий аёллар сиймоси” китобида илк ислом даврининг бир қатор таниқли муслима аёллари тўғрисида маълумот беради. Улар орасида Марям ал-Басрийа тўғрисидаги хабарга дуч келамиз... Рўйхатда йиғлай-йиғлай кўзлари кўр бўлиб қолган Баҳрия ал-Маузулиянинг ҳам номи бор, зеро зоҳирий кўрлик илоҳий маъшукни ботиний, яъни кўнгил кўзлари ила кўришга имкон яратади. Булар қаторида машҳур Шавона исмли аёл ҳам эътиборга лойиқдир...”<sup>65</sup> Ишончли манбалар маълумотига таяниб, биз ҳам “Минг бир кеча” асаридаги ана шундай тақволи аёллар образининг ҳаётдаги прототипи мавжудлигига амин бўламиз.

“Минг бир кеча”да фикҳий мавзудаги ҳикоятлар ҳам борки, уларда ҳаёт муаммолари ҳаққоний равишда теран тасвирланган. Унда исломнинг пайдо бўлишидан кейинги тарихий воқеалар, араб халифалиги манзаралари, Уммавийлар ва Аббосийлар халифалари билан боғлиқ ҳикоятлар ҳам ўрин олган. Шунингдек, айрим эртақларда сўфийлар, зоҳид ва обидлар образлари ҳам намоён бўлади. Асарда фикҳий масалаларга оид ҳикоятлар ҳам бор.

Шундай ҳикоятларда Ҳорун ар-Рашид замонасида яшаган машҳур қози Абу Юсуф (Имоми Аъзамнинг шогирди) шариат қонунларининг шунчалик нозик томонларини топадики, китобхон беихтиёр ҳайратда қолиши бегумон. Расули акрам Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан Абу Зарр халифа Умар ибн Хаттоб замонида жуда ғаройиб воқеаларни бошидан кечиргани, халифа Марвон ибн ал-Ҳаким, Муовия, Ҳорун ар-Рашиднинг доно вазири Жаъфар, ўз замонасининг буюк созандаси Иброҳим Мавсулий, топқир ва ҳозиржавоб шоир Абу Нувос каби тарихда ўтган шахсларнинг ҳаётида рўй берган қизиқ воқеалар ҳам “Минг бир кеча” да ҳеч ўзгаришсиз учрайди.

<sup>65</sup> Шиммел А.. Жонон менинг жонимда. / Олмон тилидан Й.Парда тарж. – Т.: 1999. – Б. 48-49.

“Сеҳрли-фантастик ҳикоятларда қаҳрамонларнинг мўъжизавий ҳолатини баён этиш маҳорати” деб номланган учинчи фаслда “Минг бир кеча” асарининг сеҳрли эртақлар жозибаси, кўпинча, асардан ўрин олган мўъжизавий сафарлар, ҳайратомуз тўкинлик акс этган лавҳалар, хаёл бовар қилмайдиган жоду ва афсонавий учрашувлар тасвирида ўз ифодасини топганлиги таҳлил доирасига тортилади. “Минг бир кеча” асарида халқ фалсафаси йўғрилган сеҳрли-фантастик ҳикоятлар таркибидан ўрин олган “Оҳули чол”, “Ҳачирли чол”, “Сеҳрланган йигит”, “Подшо Бадрбосим ва малика Жавҳара” каби ҳикоятларни мисол келтиришимиз мумкин. Ҳеч бир бадий асар салбий образларсиз мукамал шакл ва мазмунга эга бўла олмаганидек, “Минг бир кеча” асари ҳам бу каби образларни фош этмасдан ҳозирги машҳурлик чўққига кўтарилмас эди. “Минг бир кеча” ҳикоятларида қатор аёллар образи яратилганки, унда аёлларнинг салбий характерлари аёвсиз фош этилади. Асарнинг ушбу жанрга кирадиган ҳикоятларидаги образларнинг эътиборга молик жиҳати ҳам ана шунда.

Халқ томонидан яратилган салбий аёллар образи тарихий ҳақиқатга, халқнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабатига, унинг онг – тушунчасига, ҳис-туйғусига тўғри келади. Бироқ, бу муаммони тўғри англаш, аввало бевосита мазлум халқ томонидан яратилган салбий аёллар образи билан кибор (аристократ) табақалар томонидан қасддан салбийлаштириб тасвирланган аёллар образини бир-биридан кескин фарқ этмоқ керак. Чунки, оддий халқ салбий аёллар образини тарихий ҳақиқатга мувофиқ яратган, аммо у, умуман олганда, ҳеч қачон аёл зотига салбий муносабатда бўлмаган. Тўғри, халқ яратган асарларда ҳам баъзан хотин-қизларга паст назар билан қараш элементлари кўринади, аммо бу элементлар ўткинчи характерга эга, уларни феодал муҳит, жаҳолат оғуси туғдирган дейиш мумкин. “Сеҳрли эртақлар ўзига хос мураккаб композиция билан ажралиб туради. Бу хил эртақларда тугун фантастикага асосланади, талқини хаёлий, нотабийий ҳодисалар атрофида ташкил топади,” деб ёзади К.Имомов<sup>66</sup> ўз китобида. Шунга кўра бундай ҳикоятларнинг яратилиши биринчидан, ўша замоннинг сеҳр-жоду ишлари билан шуғулланувчи шахсларини фош этиш бўлса, иккинчидан, бундай ишларни амалга оширишга мажбур этган замоннинг иллатларига нисбатан зарба бериш, деб қараш мумкин. Барча асарларда бўлгани каби бундай ҳикоятларда ҳам яхшилик ёмонлик устидан, одиллик ёвузлик устидан ғалаба қилади. Бу услуб эса халқ оғзаки ижодининг анъанавий якунига хосдир.

“Минг бир кеча” асарининг сеҳрли эртақларини мазкур жанр шаклланаётган давр маҳсули деб баҳоласак, хато бўлмайди. Улардаги мўъжизавий тасвирлар асарни ижро қилиш давомида эртақчининг маҳорат даражаси деб қараш мумкин бўлади. Моҳир ва истеъдодли ровий ўзи эшитган ва эндиликда сўзлаб бермоқчи бўлган эртагига бошқаларга нисбатан фантазияси ўта кучлилиги билан ижодий янгиликлар қўшгани эҳтимолдан холи эмас. Бу эса инсон фантазияси чексиз эканини исботлайди.

---

<sup>66</sup> Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – Б.169.

Тадқиқотнинг бешинчи боби “«Минг бир кеча»да бадий маҳорат муаммолари” деб номланади. Боб тўрт фаслга бўлинган. Биринчи фасл “«Минг бир кеча»да композиция ва сюжет” деб номланади. Унда “Минг бир кеча” асарида бир неча халқларнинг қадим урф-одатлари, дини, турмуш тарзи бадий образларда талқин этилганини, чунончи, Юнон, Рум, Хитой, Ҳиндистон, шунингдек Ўрта Осиё халқлари этнологиясига оид лавҳаларнинг мавжудлиги илмий мунозарага тортилади. “Минг бир кеча” ўз услубига кўра “ҳикоя ичида ҳикоя” тарзида тузилган: бутун асарнинг бош қолипловчи ҳикояти, яъни Шаҳриёр ва Шаҳризода ҳикоятлари бўлса, қолган қиссалар ичида ҳам яна кичик-кичик ҳикоятлар, ривоятлар келтирилади. Шу хусусият асар фабуласи, оҳангига ҳам таъсир этган. Эртақлар турли халқларга мансуб бўлса ҳам, XV-XVI асрларда Мисрда йиғилиб бир тўплам китоб шаклига келтирилганлиги учун қиссалар ислом ақидаларига хос “ҳамд”да бошланишини кузатиш мумкин:

" بسم الله الرحمن الرحيم الحمد لله رب العالمين و الصلاة و السلام على سيد المرسلين سيدنا مولانا محمد و على آله و صحبه صلاة و سلاما دائمين متلازمين إلى يوم الدين (و بعد)... " <sup>67</sup>

Сўнгра ҳикоятнинг бошланиш қисмида қуйидагиларни ўқиймиз:

" فان سير الاولين صارت عبرة للاخرين لكي يرى الانسان العبر التي حصلت لغيره فيعتبر و يطالع حديث الامم ما لسأفة و ما جرى لهم فينجزر فسبحان من جعل حديث الاولين عبرة لقوم آخرين " فمن " <sup>68</sup> تلك العبر الحكايات التي تسمى ألف ليلة و ليلة و ما فيها من الغرائب و الأمثال..

(Яъни ўтганларнинг бошдан кечирган кунлари, ҳаётлари, ҳар қандай ҳодиса, воқеалари келажак авлод учун улуг тажриба ва буюк ибрат бўлди. Ўтмишнинг ана шундай ибратли меросларидан бири “Минг бир кеча” ҳикоятларидир.)

Ва яна:

و الله أعلم انه كان فيما مضى من قديم الزمان..

(Аллоҳ билгувчирокдирки, қадим замонлардан бирида бор эди...) <sup>69</sup> деб ҳикоят бошланади.

“Минг бир кеча” асарида Шаҳризоданинг подшо Шаҳриёрга сўзлаб берган эртақлари мазмунан бой. Бу эртақлар орасида ишқий, тарихий, ахлоқий, фикҳий (қозиларнинг ажойиб ҳукмлари) масалаларга оид ҳикоятлар мавжуд бўлиб, уларда ҳаёт муаммолари ҳаққоний равишда теран ва равшан тасвирланган. Асар насрий ҳикоят услубида ёзилган бўлиб, ора-орада қиссалар мазмунини чуқурлаштириш, унга ёқимлилик ва чирой бахш этиш мақсадида шеърий парчалар ҳам берилган. Бу шеърий парчалар биринчидан, араб ровийчилигининг қадим услубларидан бўлса, иккинчидан, ҳикоят мазмун - моҳиятини очиқ берувчи ҳамда уни қуюқлаштираувчи бир восита вазифасини бажариши борасида муайян илмий хулосаларга келинган.

Бобнинг иккинчи фасли “«Минг бир кеча» ҳикоятлари услубида ҳиндча - эронча руҳият” деб номланади. Мазкур фаслда “Минг бир кеча”нинг энг қадимги ва биринчи босқичлари Шаҳризода ва Шаҳриёр образлари,

<sup>67</sup> الف ليلة و ليلة. مصر . قاهرة. 1976م ج. 1. ص. 67

<sup>68</sup> Ўша жойда. – Б.1.

<sup>69</sup> Ўша китоб. – Б. 2.

шунингдек сеҳрли-фантастик ҳикоятлари (“Бой билан жин ҳикояти”<sup>70</sup> ва “Балиқчи билан дев”<sup>71</sup> сингари), ҳайвонлар ва паррандаларга оид панд-насихат типигаги ҳикоятлар (“Шаҳзода ва етти вазир”<sup>72</sup> ”Шоҳ Жиллиод ўғли Вирдхон қиссаси”<sup>73</sup> сингари) ҳинд-эрон ҳикоят ва ривоятларига бориб тақалиши, мазкур ҳикоятлар ватани Ҳиндистон эканлигига ва улар Эрон орқали арабларга кириб келганлиги аниқланган.

Ҳинд эртақларидан фарқли ўлароқ Эрон эртақларида сеҳр камроқ учрайди. У иккинчи даражалидир. Айрим ҳикоятлардаги йигитнинг қизга етишиши учун ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришни тавсифлаш ҳикоят мақсад моҳиятини ташкил этади. Бошқа ҳикоятларда эса ошиқнинг маъшуқасини қидиришга тушиш элементлари Эрон эртақларига хос<sup>74</sup>. Унда бир неча афсунгарлар, сеҳргарлар, куш-қизлар, бутун бошли жинлар армияси бўйсунадиган сеҳрли таёқча, кўринмас қалпоқча, сеҳрли дўмбира, сирли эшиклар мавжудлиги мазкур илмий фаразни тасдиқлайди.

Учинчи фасл “*Асардаги Ироқ ҳикоятлари тавсифи*” деб номланган фаслда Бағдодда яратилган ҳикоятлар нафақат мазмунан ўхшашлиги, балки ўша давр тарихий шахсларини асарда кўриш мумкинлиги билан ҳам унинг аниқ Ироқ ҳикояти эканлиги асосланган. Бу қатламга кирадиган эртақларда Месопотамияда турли даврда қадимги араб фольклорини ўзида мужассамлаштирган ҳикоятлар, шунингдек араблар фатҳ этган араб мусулмон давлатлари ҳикоятлари ҳам ўрин олганлиги қайд этилади. Бағдод ҳикоятлари марказида асосан халифа Ҳорун ар-Рашид образи муҳим ўрин тутаяди. Бу образ қаҳрамонларни қутқарувчи, яхшиликлар инъом этувчи шахс сифатида гавдаланади. Унда ўша давр кишиларининг кучли ва меҳрибон ҳамда бошқа ҳукумат аъзоларининг ноҳақликларидан қутқарувчи ҳукумат бошлиғини орзу қилишлари ифодаланади. Бундай ҳикоятлар асосан Бағдод ва бошқа Ироқнинг йирик шаҳарларида бунёд бўлиб, айримлари Мисрда ниҳояланганлиги тадқиқотда далилланган.

Тўртинчи фасл “*Миср ҳикоятларида шарқона менталитет*” деб номланади. Бунда “Минг бир кеча” асарининг Мисрда яратилган ҳикоятлари XIV-XVI асрлардаги мисрликлар ҳаёт тарзини кенгроқ ёритиб бериши, уларнинг савдо ва хунармандчилик ривожланган муҳитда яратилганлиги, шунинг учун воқеалар ва ходисалар қаҳрамони кўпинча савдогар ва ёки хунарманд образида кўриниши эртақлар лавҳалари орқали далилланади. Ўша даврларда Мисрда пайдо бўлган шавқатсиз тузум, мамлакатда ҳукм сурган руҳий ва ижтимоий эзилиш бадий ижодда, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган.

Миср ҳикоятлари узоқ давом этувчи воқеалар кетма-кетлигидан иборат, айрим ҳолларда ҳикоятларда бош қаҳрамоннинг бутун ҳаётини баён этади. Мазкур фасл асардаги “Абуқир ва Абусир қиссаси”, “Маъруф Аскофий

<sup>70</sup> Минг бир кеча. Араб эртақлари. / С.Муталлибов тарж. – Т.: 1959. 8жилдлик. Ж.1. – Б.29.

<sup>71</sup> Ўша китоб. – Б.41.

<sup>72</sup> Минг бир кеча. Араб эртақлари. / Ю.Ҳакимжонов тарж. – Т.:1962. 8жилдлик. Ж.5. – Б.367.

<sup>73</sup> Минг бир кеча. Араб эртақлари. / С.Муталлибов тарж. – Т.: 1963. 8жилдлик. Ж.8. – Б.150.

<sup>74</sup> “Минг бир кеча”нинг муҳаббат эртақларига юнон романларининг таъсири ҳақида Г.Э.Грюнбаум китобида ўқишингиз мумкин. Қаранг:Грюнебаум Г.Э. Элементы греческой формы в сказках «1001 ночи». -Арабская средневековая культура и литература. – М.:1978.

қиссаси” ва бошқа ҳикоятлар асосида Мисрда яратилган эртақларнинг умумий мазмуни худбин ҳукмдорларга нисбатан очикчасига шавқатсиз ҳамда шаҳар меҳнатқашларига нисбатан раҳмдиллик билан баён этилганлиги аниқ далиллар орқали ёритилади. Мисрда яратилган эртақларнинг характерли томони мавжуд материалларни қайта ишлаш натижасида яратилгандек кўринади. Шунга кўра, матнлар бир ҳикоятдан иккинчисига кўчиб юраверади. Айрим ҳолларда унинг шакли ўзгармайди. Айрим ҳолларда эса, маънавий акценти ўзгаради холос.

## ХУЛОСА

Диссертацияда амалга оширилган таҳлиллар натижасида чиқарилган илмий-назарий хулосалар қуйидагилардан иборат бўлди:

1. “Минг бир кеча” асари ҳикоятларида юнонлар, ҳиндлар, эронийлар, араблар, яҳудийлар ва бошқа халқларнинг қарашлари, урф-одатлари ўз аксини топган. Гарчи, материалларнинг катта қисми арабларнинг ўзларига тегишли бўлса ҳам умуман, “Минг бир кеча” асари ҳар бир миллатнинг маълум даражада иштироқи туфайли туғилган муштарак ижоддир.

2. “Минг бир кеча” асари бир неча юз йиллардан бери жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинган. Шу боис Уйғониш даври адиблари ва ундан кейинги Европа ёзувчилари ҳам “Минг бир кеча”дек муаззам асар сюжетларидан унумли фойдаланганлар. Бу сюжетлар асосида Фарбда яратилган асарлар классик обидаларга айланган.

3. “Минг бир кеча” асари нафақат дунё халқлари адабиётига, балки ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мутафаккир адиблари ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатган. Чунончи, ўзбек халқ эртақлари, жумладан, Хоразм халқ эртақларида асар сюжетлари яққол кўзга ташланади. Чунки, ҳар бир оғзаки ижод намуналари замирида ўша даврда халқ ҳаётида рўй берган воқеликлар акс этади. Демакки, “Минг бир кеча”да баён этилган халқ орзу-умиди туркийзабон халқлар учун ҳам ёт эмаслигини англаш қийин эмас.

4. “Минг бир кеча” сюжети таъсирида яратилган миллий адабиётимиз эпик қатламининг бадий хусусиятига кўра туркий эпик анъана услублари билан асардан ўзлаштирилган сюжетнинг трансформациялашув натижасида юзага келган эртақлар, ҳикоятларда мавжуд бўлган анъанавий сюжетнинг образ ёки мотивлари асосида яратилган эртақлар, асар ҳикоятлари сюжети элементлари тўла сақланган эртақлар тури аниқланди.

5. “Минг бир кеча” ва мумтоз адабиёти анъаналари синтези нуқтаи назаридан айтадиган бўлсак, бунда адибларнинг асар ҳикоятлари сюжетларини миллий менталитет ва анъаналарга мослаштириш хусусиятларини бадий ифодалашдаги маҳоратлари аниқланди. Образлар тасвири ҳамда асарнинг тарбиявий моҳиятида комил инсон тарбияси масаласи бош ғоя сифатида кўтарилганлиги далилланди. Буларнинг исботи сифатида “Минг бир кеча” асари ҳикоятлари лавҳаларининг мумтоз адабиётимизнинг йирик вакиллари бўлмиш Алишер Навоий, Мажлисий, Носириддин Рабғузий, Пошшоҳўжа, Гулханий кабилар ижодида кўришимиз мумкинлиги билан изоҳланди.

6. Ҳозирги замон миллий адабиётда адиблар учун асарнинг эътибортортар лавҳалар мужассам бўлган ҳикоятлари намуналари таъсирида муаллифларнинг индивидуал ижод маҳоратлари кенгайди, бу эса, адабиётда янги жанрларни пайдо бўлишига ҳам таъсир кўрсатди. Чунончи, XX аср бошларига келиб Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Майсаранинг иши” комедиясининг “Минг бир кеча” таъсирида ёзилганлигини инобатга олсак, натижада, асрлар оша Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари руҳида тараққий этиб келаётган ўзбек адабиётида драматик тур пайдо бўлди. Драманинг туғилиши ўзбек адабиёти учун худди роман жанри каби янги адабий ҳодиса эди. Адиб Ғафур Ғулом “Шум бола” қиссаси орқали ўзининг ҳозиржавоб, сўзга уста, комик вазият яратишга моҳирлигини кўрсата олган. Адабиётшуносликда мазкур асарнинг автобиографик характер касб этиши, жанрий, ғоявий-бадий хусусияти, қаҳрамонлар олами ва ёзувчи маҳорати каби масалалар кенг ёритилган. “Минг бир кеча” ҳикоятларидан баҳраманд бўлган ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” саргузашт романи унга оламшумул шуҳрат келтирди ҳамда ўзбек саргузашт-детектив жанрини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

7. XX асрда бу муаззам бадий обиданинг ўзбек тилига таржима қилиниши аср бошида ҳам, аср ўрталарида ҳам катта маданий-маърифий аҳамиятга молик эди. Ўзбек китобхонлари бу таржималар орқали бевосита асардан баҳра олиш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ айтиш жоизки, асарни восита тил орқали эмас ( XX аср бошидаги таржималар учун восита тил – форс тили), балки асл нусхадан, шунда ҳам ишончли, мўътабар манбага таяниб таржима қилиш афзал, восита тил орқали қилинган таржима аниқликка даъво қилолмайди. Таржима давр ўтиши билан эскиради. Жамият тараққиёти баробарида, тил тараққиёти ҳам олға силжийди. Шунинг назарда тутиб, “Минг бир кеча”дек ноёб асарни асл эътиборли манбадан қайта таржима қилиш зарур. Зеро, асарнинг охириги марта ўзбекчага таржима қилинганидан буён ярим асрдан кўпроқ вақт ўтган.

8. “Минг бир кеча” асарига, асосан, эротик асар таърифи берилади. Бироқ бу фикр асарга нисбатан бир ёқлама хулоса ҳисобланади. Асарда шарқона гўзаллик, латофат, ҳаё каби хислатлар билан бирга ватанпарварлик, донишмандлик, тadbиркорлик, оқилалик фазилатини ўзида мужассам этган кўплаб аёллар образи тараннум этилган ҳикоятлар мавжуд. Бунинг биринчи кўриниши эса Шаҳризода образидир.

9. Ўтмишда аёллар ҳам тақво борасида валийлик даражасига эришгани сир эмас. Улар ўта тақводор бўлиб, кўнгилларини нафсу хирс ғуборидан поклаб, ботинан мусаффо бир ҳолда Аллоҳ васлига етиш истагида ҳаётда эзгу амаллар қилишда бардавом бўлишган. Бундай зотларнинг феъл-атвори ва амаллари атрофдагилар учун ибрат бўлган. Асардаги тақводорлик ғояси билан суғорилган ҳикоятлар ҳамиша китобхон учун ҳикмат ва ибрат мактаби бўлиб қолади. Зеро, ёш авлод тарбиясидаги маънавият ва баркамоллик тушунчаси замирида диний эътиқод тушунчаси биринчи планда туришини эътироф этмоқ зарур.

10. Мазкур илмий тадқиқот ишидаги “Минг бир кеча” асарига тааллуқли масалаларни атрофлича ва чуқур илмий ўрганиш – чиқарган илмий қараш ва умумлашмалар бадиий адабиёт тараққиёти, бадиий тафаккур ривожига, бадиий дид тарбиясига хизмат қилишга қаратилгандир. Бироқ ҳеч бир илмий хулоса яқиний ва тугалланган хулосага даъво қила олмаслиги аниқ. Чунки, барча фанлар тараққиёти каби адабиётшунослик ҳам маълум бир бадиий асар устидаги янги-янги илмий изланишлар ва илмий хулосалар билан бойитилишини тақазо этади.

Умуман олганда, Шарқ мумтоз адабиёти услублари ва йўналишларининг ўзбек адабиётига таъсирини ўрганишда жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари қаторидан ўрин олган “Минг бир кеча” асарининг ўрни беқиёс. Асарнинг Ўзбекистонда ёйилиши, XX асрда уч марта ўзбек тилига таржима қилиниши ўз даври учун оламшумул воқеа эди. “Минг бир кеча” асари лавҳаларини ёзувчи-адиблар ижодидаги бадиий синтезда кўрарканмиз, адиблар асардан олган таассуротли лавҳаларни ўз асарларида бир оз ўзгартириб, унинг қаҳрамонлари феъл-атворини ўз қаҳрамонлари характериға мужассамлаштириб, зукколик билан ўз даври китобхони турмуш-маданиятиға мослаб янги асарлар таълиф этишган. Бундай асарларнинг яратилиши эса, XX аср ўзбек адабий жараёни ривожига хизмат қилган улкан аҳамиятға молик эстетик ҳодисадир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АСТАНОВА ГУЛНОРА АМИНОВНА**

**“ТЫСЯЧА И ОДНА НОЧЬ” И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА  
(ПОЭТИЧЕСКИЙ, СРАВНИТЕЛЬНО- ТИПОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2021**



Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером B2020.1.DSc/Fil102 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) и на Информационном образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

Научный консультант: **Мухиддинов Муслихиддин Кутбидинович**  
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Тураев Дамин**  
доктор филологических наук, профессор

**Салимахон Алийбек кизи Рустамий**  
доктор филологических наук

**Айнуруз Уз Узжан**  
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Институт Узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз**

Защита диссертации состоится 15.10 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на собрании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 по присуждению научных степеней при Самаркандском государственном университете, (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz))

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под номером 56). (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан " " 2021 года  
(Протокол реестра № " " 2021 года).



У. Хамроев, **Ж. Хамроев**  
Зам. председателя Научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.н., профессор

Х.А. Асламова  
Секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Ш.А. Хасанов  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.ф.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Структурное значение художественной литературы в совершенствовании культурных отношений и повышении духовного мировоззрения людей в мире становится как никогда актуальным. Особенно важное значение приобретают литературно-поэтические особенности знаменитых произведений, оставивших яркий след в восточной литературе, а также определение категорий стиля на основе передовых методов. В этой связи, роль средневекового культурного и литературного наследия Востока в развитии мировой цивилизации, взаимодействие культур и литератур народов мира в современном глобализационном процессе играют важную роль в повышении культуры и повышении интеллектуального потенциала человечества. В этом смысле классические произведения восточной литературы вызывают необходимость гармонии с развитием мировой художественной мысли на основе новых методов и подходов в поэтическом, сравнительно-типологическом аспекте.

В мировой науке ведутся научные исследования над произведением “Тысяча и одна ночь”, считающимся бесценным шедевром Восточной классической литературы и оказавшим влияние на эволюцию всего человечества. В частности, важное значение приобретают поэтические особенности произведения, определение диахронического и синхронного (параллельного) состояния повествований и их проявлений в сказках, интертекстуальные цели и мотивы, сравнительно-типологическое исследование на фоне повествований разных народов. Вместе с тем, объектом исследования остается научно-эстетический анализ произведения «Тысяча и одна ночь» как феномена синтеза в изображении стиля и формы образцов национального искусства, созданных под влиянием повествований, способствующих развитию художественно-эстетического мышления личности, специфики произведения, поэтического мастерства в создании образов различных характерных героев, а также анализ типологической классификации генезиса повествований в монографическом плане и на основе новейших подходов.

Наряду с изучением религиозных, духовных, художественных произведений деятелей нашей национальной литературы, оказавших влияние на развитие литературоведения во всех сферах, в нашей стране внедряются новые подходы в объективном изучении возможностей творческого использования поэтического опыта Восточной классической литературы. “...Мы не имеем права забывать, что внимание к литературе и искусству, культуре – это прежде всего внимание к нашему народу, внимание к нашему будущему и как сказал наш великий поэт Чулпан, нация сможет жить если будут живы литература и культура”<sup>1</sup>. В связи с этим, актуальность приобретает научно-теоретическое исследование поэтического, сравнительно-типологического анализа литературных произведений,

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халкимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустахкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

появившихся на основе стилей классической литературы Востока, имеющих свои собственные традиции.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка от 21 октября 2019 года, Постановлениях №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года и в других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной сфере деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий республики I. «Формирование и реализация системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Влияние традиций устного творчества народов Востока на культуру народов мира и особенности интертекстуальных связей изучены в ведущих таких научных центрах и высших учебных заведениях мира как University of Oxford, Cambridge University (Великобритания), Grasefield University, Universitat Trier (Германия), University of Verona (Италия), University of Pennsylvania, University of New York, Indiana University, University of California, Columbia University in the City of New York (АКШ), University of Toronto (Канада), Austral University (Аргентина), Karadeniz Teknik Üniversitesi (КТÜ) (Турция), Санкт-Петербургский Институт востоковедения, Тюменский государственный университет, Алтайский государственный университет, Чувашский государственный университет, Российская академия Института востоковедения, Башкирский государственный университет, Тамбовский государственный университет, Уральский государственный педагогический университет, Казанский федеральный университет (Республика Татарстан,

---

<sup>2</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации <https://litva.info.Book.page> –75, <https://bulletin-history.kaznu>; <https://scrible-su/school-literature>; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, <http://www.ivran.ru/http://elm/az/http://elm/az/>, <https://www.google.com/>, <http://www.orientalstudies.ru>, <http://az.lib.ru/>, <https://ru.qaz.wiki/wik>, <https://facetia.ru/node/>, <https://librebook.me/>, <https://ru.wikipedia.org/wiki/>, [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz); Edward Allworth. Uzbek literary politics. – London – Paris, 1964. – P. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk tili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – B. 501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B. 209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965. и на основе других источников.

Россия), Дагестанский государственный педагогический университет (Дагестан), Ходжандский государственный университет (Таджикистан), Ташкентский государственный университет востоковедения (Узбекистан).

В мировом литературоведении в научных исследованиях, проведенных на основе принципов художественного синтеза восточных традиций в становлении и развитии национальных литератур, истории национальной литературы, проблем эволюции литературных типов и жанров, получены следующие научные результаты: в частности, в методико - сравнительном аспекте изучена деятельность переводчиков, внесших вклад в распространение в Европе произведения “Тысяча и одна ночь”, считающегося венцом мировой литературы (Англия, Институт востоковедения АН России); научно обосновано влияние произведения на британскую культуру (США); исламские тексты в повествованиях были оценены как фактор развития мышления и разработаны научные суждения (США); в литературно - сравнительном стиле разработано различие, причины-сущность отдельных повествований в двух подлинниках произведения (США); гармоничность повествований произведения с художественной литературой XX века обосновывается сравнительными фактами (Аргентина); в произведении “Тысяча и одна ночь” развито мастерство повествовательного искусства (Германия, Турция); доказано влияние ближневосточной эпической традиции на дагестанские сказки (Дагестанский государственный университет); научно обоснована история создания произведения (Казанский государственный университет, Худжандский государственный университет); разработана семантика компонентов произведения в научно - теоретическом стиле (Башкортостан); выявлено влияние значимости переводов произведения в татарском языке на татарский литературный процесс (Тамбов); доказано положительное влияние интертекстуальных связей повествования некоторых русских романов на художественность произведений (Алтайский государственный университет); проработан вопрос о влиянии произведения “Тысяча и одна ночь” на чувашское народное художественное творчество как источник восточного менталитета (Чувашский государственный университет); по сравнительному критерию аргументирован уровень мастерства европейских переводчиков произведения (Институт востоковедения РАН); научно - теоретическо обосновано создание произведения “Сто и одна ночь” на основе произведения “Тысяча и одна ночь ” (Узбекистан, ТашГУВ).

В мировом литературоведении проводится ряд исследований по изучению генезиса, факторов произведения “Тысяча и одна ночь”, гипотез ученых в этой области на основе новых подходов, в том числе по следующим приоритетным направлениям: история распространения произведения на Западе и Востоке, переводы на языки народов мира и мастерство переводчиков, внесших большой вклад в его распространение, диахронное и синхронное (параллельное) состояние повествования произведения и определение их проявлений в повествованиях; интертекстуальные цели и мотивы; исследование языка повествований в лингвокультурологическом, лингвопрагматическом, когнитивном аспекте; сравнительно-типологическое

исследование на фоне повествований разных народов; использование инновационных средств обогащения базы данных произведения новыми фактическими материалами, особенно с использованием современных программ на основе компьютерных технологий.

**Степень изученности проблемы.** В мировом литературоведении работы по теоретическому и практическому изучению произведения “Тысяча и одна ночь” впервые были начаты арабскими учеными в IX-X веках, а в Европе они начали появляться в XII веке. В конце XIX-начале XX века в Европе развернулись исследования этого произведения. Проблемы истории создания и распространения в мире данного художественного памятника научно-теоретически обоснованы такими европейскими учеными как И.Эструп, Й.Хаммер-Пургшталь, Р.Бёртон, А. Шлегель<sup>3</sup>, М.Я. де Гье<sup>4</sup>, А.Мюллер<sup>5</sup>. В то время как европейцы создали гораздо более совершенные переводы этого произведения в шестнадцатом веке, к концу XIX и началу XX века оно также было переведено на китайский, японский и иврит<sup>6</sup>. Немецкий ученый М.Герхардт<sup>7</sup> критически рассматривал переводы “Тысячи и одной ночи” на европейские языки, определяя их художественную ценность и уровень. Кроме того, необходимо отметить исследования арабского литературоведа Эхсана Аббаса, иранского литературоведа Мухаммада Рамазани и других<sup>8</sup>.

